БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЁШ ЛЕНИНЧИ

Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган

1990 йил 3 август Жума
№ 145 (13.581).
Баҳоси 3 тийин.

• ЎЗБЕКИСТОН ЛКЁИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИНИНГ БОШ НАШРИ •

Ўзбекистон ССР Вазирлар Кенгашида

1 август куни Андижонда Ўзбекистон ССР Вазирлар Кенгаши президиумининг сайёр мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисда Андижон вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштиришга доир биринчи галдаги чора-тадбирлар масалалари кўриб чиқилди ва муҳокама қилинди.

Одамларни янада кўпроқ иш билан таъминлаш, аҳолининг биринчи галдаги эҳтиёжларини қондириш, ижтимоий соҳани, айниқса, уй-жой қурилишини ривожлантириш муаммолари жумҳурият ҳукумати аъзолари, вилоятдаги шўро ва хўжалик идоралари раҳбарларининг диққат марказида бўлди.

Президиум мажлисида вилоят ижроия қўмитасининг раиси Б. Т. Болтабоев, маҳаллий саноат, соғлиқни сақлаш, халқ таълими вилоят бошқармалари, вилоят матлубот уюшмаси ва бошқа ташкилотлар раҳбарларининг вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришдаги камчиликларни тугатиш юзасидан кўрилаётган чора тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботлари тингланди. Вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғининг нутқи вилоятда ҳуқуқ бузишларнинг олдини олиш ва уларга йўл қўймаслик, вазиятни барқарорлаштириш масалаларига бағишланди.


Улар билан бирга жумҳурият ҳукумати аъзолари ҳам вилоятдаги ишларнинг аҳволи тўғрисида ҳисобот бердилар. Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалиги давлат кооператив қўмитасининг раиси Б. Д. Ҳакимов, енгил саноат вазири А. С. Икромов, қурилиш вазири К. Ҳ. Маҳамадалиев, уй-жой-коммунал хўжалиги вазири В. К. Михайлов ва бошқалар ўз нутқларида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш резервларидан самарали фойдаланишда, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва уларнинг турини кўпайтиришда, капитал қурилишда ва уй-жой-коммунал хўжалигидаги ишларнинг аҳволини яхшилашда вилоят корхоналари, жамоа ва давлат хўжаликларига, муассасалари ва ташкилотларига аниқ-равшан амалий ёрдам кўрсатишга асосий эътиборни қаратдилар.

Ўзбекистон ССР Вазирлар Кенгашининг Раиси Ш. Р. Мирсаидов муҳокамага якун ясаб, Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримовнинг кенгаш қатнашчиларига ва вилоятнинг барча меҳнаткашларига бутун куч ва воситаларни тўпланиб қолган муаммоларни тугатишга сафарбар этиш тўғрисидаги истагини топширди, меҳнат жамоалари ва бутун аҳоли ўзининг бой тажрибасидан фойдаланиб, ўртага қўйилган вазифаларни муваффақиятли уддалайдилар, Андижон вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда кескин бурилишни амалга оширадилар, деб ишонч билдирди.

Ўзбекистон ССР Вазирлар Кенгаши муҳокама якунлари юзасидан қарор қабул қилди.

Мажлисда Андижон вилоят партия қўмитасининг биринчи котиби К. Холмирзаев иштирок этди.

(ЎзТАГ).



Ўзбекистондаги сополчилик санъати бухоролик Ҳамро буви Раҳимованинг номи билан узвий боғлиқ. Ҳамро буви ясаган ёдгорликлар нафақат иттифоқимиз, балки бутун Ер юзига тарқалган. Вобкентлик Раҳима Бобоева яқинда ўз хонадонида сополчилик тўгарагини ташкил қилди. У ўз яқин-атрофидаги болакайларга қадимий ҳунармандчиликнинг ана шу туридан касб ўргатади. Ҳамро бувининг авлодлари бу билан мерос ҳунарга яна йўл очдилар.

СУРАТДА: кулолчилар сулоласининг давомчилари.

ЎзТАГ мухбири
Б. ЮСУПОВ
олган сурат.

Мен жилғаман, дарё бўлиб тўлгим келади!

ЖИЛҒА

Жумҳурият талабаларининг хабарномаси

СИЗДАН АНИҚ ЖАВОБ КУТАМИЗ

ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРИ Ш. О. АЛИМОВГА ОЧИҚ ХАТ

«Жилға»нинг 1-сонида «Малакали мутахассис осмондан тушмайди» номли мақола босилганига ҳам 6 ойдан ошди. Бироқ, биз кутгандек ҳеч қандай ўзгариш сезилмади. Талабаларнинг бир неча авлодини қониқтирмай келаётган олий ўқув юртлари сабоғи танқид қилинган талабнома эътиборсизлик уммонида ғарқ бўлди. Ҳурматли ўртоқ Ш. Алимов, балки кўзингиз тушгандир (бундай бўлмаслиги мумкин эмас...)? Ундаги таклифга Сиз жавоб бермасангиз, ким жавоб беради? Ахир мақола олди-қочди гаплардан холи, аниқ фикр-мулоҳазалардан иборат эди-ку? Яна олий ўқув юртлари вазири ҳам бўлдингиз, айтингчи, шу вақт ичида қандай ишларни амалга оширдингиз? Олий ўқув юртларида ижобий ўзгаришлар бўладими, ё бошқарув аппарати яна бир вазирлик билан тўлдирилди деб ҳисоблайверайликми?

Дорилфуннинг ҳар бир куллиёти ўқув режасининг қарийб ярмини эгаллаган сиёсий фанлар — «КПСС тарихи» (340 соат), «Марксизм-ленинизм» фалсафаси (280 соат), «Сиёсий иқтисод» (280 соат), «Илмий коммунизм» (160 соат) фанларининг ўқув соати қачон қисқаради? Баъзи бир олий ўқув юртларида мазкур фанлардан имтиҳон олинди. Зеро, 1989 ўқув йилида буларни қисқартириш ҳақида қарор чиққан, айрим марказий ўқув юртларида шу фанлардан имтиҳон олиш бекор қилинган эди-ку?!...,

«КПСС тарихи» ўрнига бизга ҳамон сирлигича қолаётган Ўзбекистон тарихи ўтилганда, ишонамизки, тўлиқ бўлмасада, тўқсон фоиз талаба уни иштиёқ билан ўрганган бўлур эди. «Марксизм-ленинизм фалсафаси»га келсак, нима учун «Фалсафа» фанидан айри ўтилади? У ҳам фалсафий таълимот сирасига кирадими, ё?.. «Сиёсий иқтисод» фани зарур, айниқса, иқтисодий қашшоқ жумҳуриятимиз эртаси худди ана шу соҳага қараб қолган бир пайтда. Лекин ундан олдин бир нарсани аниқлаб олишимиз даркор: сиёсат иқтисодни белгилайдими, ё иқтисод сиёсатнини? Бизнингча охиргиси ҳақиқатга яқинроқдир. Ҳозирги шароитда «Илмий коммунизм»ни ўрганганидан кўра, қандай «илмий социализм» қурганимизни аниқлаб олишимиз минг маротаба афзалроқ. Жамиятнинг қуйини пуч ёнғоққа тўлган; ўша коммунизмга етмоқ учун ҳам қайси заминда турганимизни билиб олишимиз зарур-ку, ахир? Биз эса ҳамон юқорида номлари зикр этилган фанлардан имтиҳон топширяпмиз. Йўқ, биз уларга қарши эмасмиз, асло. Фақат ўтилаётган фанларни аниқ воқеликка, ҳозирги давримизга мос келишини истаймиз, холос! Юқорида айтиб ўтилган мақоланинг рақамларига қараб ҳайратланмасдан илож ҳам йўқ: жисмоний тарбияни 528 соат ўтиб спортчи, ёхуд 340 соатлик «КПСС тарихи»дан сўнг ҳеч ким тарихчи бўлиб қолмайди. Биров мажбурий дарс сифатида киритмаса ҳам, ҳар ким ўз соғлиғи учун жисмоний тарбия билан шуғулланади, «КПСС тарихи» ҳақида ҳам шу...

Чет эллардаги ўқитиш системасини биздан кўра минг карра яхшироқ биласиз: талабаларга мустақиллик бериш лозим, токи қайси фан заруру, қайсиси иккинчи даражали эканини ўзи танласин! Бизга ҳозирги замон талабига жавоб берадиган дастур зарур. Хўп, қўшимча фанлар у ёқда турсин, ҳатто ихтисослик фанларининг ҳам номукаммаллигига нима дейсиз? Биз фақат ўз дардимизни айтаётганимиз йўқ — керак бўлса, талабаларнинг тўқсон фоизи шу гапларга қўшилади.

Олий ўқув юртидан чаласавод бўлиб чиқиб кетиш, тағин «олий маълумотлиман» дейиш, уят. Дорилфунунни тугатаётганларнинг тенг ярми иш жойига келгач, ўз мутахассислигини қайта-алифдан бошлаётганлиги шармандаликдан бошқа нарса эмас! Токи жумҳуриятимизга малакали мутахассислар керак экан, урғуни ихтисос фанларига, амалиётга бериш лозим. Лекин қани ўша бекамукўст дастур?!

Агар бу масала бўйича иш бошлаб юборилган бўлса, узр. Бироқ, талаба аҳли бундан хабардор бўлиши лозим. Ахир жумҳурият Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, бизнинг вазирлигимиз-ку? Шу боис ҳам Сиздан жўяли жавоб кутамиз.

«ЖИЛҒА» таҳрир ҳайъати.



Шу кунларда барча ўқув даргоҳларида бўлганидек, пойтахтимиздаги Йўлдош Охунбобоев номли тиббиёт билим юрти ҳам йигит-қизлар билан гавжум.

— Билим юртимизда таълим олиш учун келадиганлар сони йил сайин ортиб бораётир. Шуниси қувонарлики, энг муносиб, билимли ёшлар талаба деган номга сазовор бўлишмоқда. Масалан, Нуриллия Умарова, Дилфуза Имонқулова, Нигора Қодирқулова, Фарида Урисбоевалар ўшандай ёшлардир, — дейди билим юрти, комсомол қўмитаси шўъба мудири Ҳосият Тожибоева.

Ҳамид СУЛАЙМАНОВ суратга олган.

3-бетга қаранг!

Танишинг:

ИЛҒОРЛАР

Йил бошидан буён жумҳуриятда чиқарилаётган 247 та буюмга олий сифат категорияси берилди. Улардан ўнта тури биринчи марта ана шундай категорияга сазовор бўлди. Қуйида уларнинг айримларини айтиб ўтамиз:

«Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасининг «Беларусь МТЗ-80ХА» маркали тракторлари. Бу машиналар пишиқ ва универсал бўлиб, ана шу хусусиятлари уларга ташқи бозорда муваффақиятли рақобат қилишга ёрдам беради. «Беларусь» трактори етакчи капиталистик мамлакатлар — АҚШ, Буюк Британия, ГФЖ, Франция ва Японияда патент олишга сазовор бўлган.

* * *

Чирчиқдаги «Химавтоматика» бирлашмасининг «Палладий-МП1» газ анализатори якка тартибда фойдаланиладиган углерод оксиди дозаларини ўлчовчи мамлакатдаги ягона асбоб ҳисобланади. Асосий кўрсаткичлари бўйича у ҳатто айрим амалдаги стандарт талабларидан ҳам устундир. Газ анализатори 11 та мамлакатда патент устунлигига эга.

* * *

«Электротерм» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси чиқараётган электрокалорифер Буюк Британияда ишлаб чиқарилаётган шунга ўхшаш иситгич асбобга нисбатан оғирлиги анча кам бўлгани ҳолда юксак фойдали коэффициентга эгадир. Бу буюм электр иситгич асбоблари ишлаб чиқаришда етакчи ўринни эгаллаб турган бир қанча мамлакатларда ижобий баҳога сазовор бўлди.

Олий сифат категорияси берилган буюмлар орасида «Миконд» заводининг резисторлар тўпламлари, «Андижанкабель» бирлашмасининг телефон шнурлари, Олмалиқ маиший химия заводининг дезодорантлари ва бошқа буюмлар бор. Буларнинг барчаси жумҳурият саноат комплекси ташқи бозорга рақобатбардош маҳсулотни етказиб бериб, бунинг эвазига зарур валюта олиши мумкинлигидан далолат беради.

...ҚОЛОҚЛАР

Давлат назорати ходимлари шу йилнинг биринчи ярмида Ўзбекистон ССР давлат-кооператив қишлоқ хўжалик қўмитасининг 327та бўлинмасидаги ишни текшириб кўрдилар. Уларнинг ишини таҳлил этиш бу бўлинмаларнинг 64 фоизи стандарт талабларини бузаётганлигини кўрсатди.

Тошкент вилояти, Пискент ремонт-ишлаб чиқариш корхонаси. Пахта терими мавсумигача ҳали анча вақт бор, техникани нормал холатга келтириш учун ҳам вақт етарли. Лекин бу ердаги ходимлар план кетидан қувиб, кўрак чувийдиган машиналарни ремонтдан чиқарилган механизмлар қаторига қўшиб қўйдилар. Бир қарашдаёқ уларнинг яхши ишламаслиги кўриниб турибди. Бу машиналарнинг маркаси ва ишни кўрсаткич белгилари йўқ, электр жиҳозлари пала-партиш ўрнатилган, асбоблари яхши мустаҳкамланмаган.

* * *

Навоий нон заводи ва Бухоро нон комбинати. Ҳар бир бўлка ёки нон учун бир хилда хамир узиб олиш анча қийин бўлса керак. Шунинг учун берилган оғирликдан 3 фоиз ё катта ёки кичик бўлишига йўл қўйилади. Бу корхоналарда эса 7 фоиз «тежаб қолишга» муваффақ бўлишди.

Нон ёпиладиган тармоқда танлаб текшириш натижасида корхоналарнинг деярли тўртдан уч қисми ностандарт маҳсулот етиштираётгани аниқланди.

* * *

Андижон вилояти, Шаҳрихон сут заводи. Бу ерда жуда кўпни кўрган текширувчилар ҳам лол қолишди. Мазкур корхона маҳсулотининг юз фоизи нормага мос келмади. Маҳсулотларнинг таркибида ёғ кам, маҳсулотлар ачиб қолмоқда, чунки завод совутиш камералари ҳаддан ташқари илиқ. Бу ерда сутни постеризация ҳам қилишмаяпти.

Тошкент, Чирчиқ, Бекобод, Фарғона, Самарқанд, Урганч ва бошқа шаҳарлардаги сут корхоналарида ҳам шунга ўхшаш камчиликлар аниқланди .

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ЎРТОҚ С. Э. ЖЎРАҚУЛОВГА «ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЖУРНАЛИСТ» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Совет матбуотини ривожлантиришдаги хизматлари ва фаол жамоат ишлари учун Сурхондарё область «Ленин байроғи» газетасининг муҳаррири ўртоқ Саидмурод Эгамбердиевич Жўрақуловга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган журналист» Фахрий унвони берилсин.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1990 йил 31 июль.

Шу сонга хабар

Эски ўзбек ёзуви ўрганилмоқда

Жумҳуриятимиздаги К. Д. Ушинский номидаги Тошкент ўқитувчилар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институти тилшунослик ва адабиёт шўъбаси қошида 7 ойдан буён жумҳурият мактабларида эски ўзбек (араб) ёзуви бўйича муаллимлар тайёрланмоқда.

Шу кунгача институтни 7 гуруҳда 237 ўқитувчи тугатди. Тингловчиларга В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат дорилфунунининг доценти Эминжон Талабов, Тошкент шаҳридаги 29-махсус мактаб ўқитувчиси Т. Ниёзовлар араб ёзувининг назарий ҳамда амалий қирраларини ўргатдилар.

Навбатдаги курс машғулотларида Қашқадарё вилояти ўқитувчилари таҳсил кўрдилар. СССР Маорифи аълочиси, Ғузор ноҳиясидаги 22-мактаб ўқитувчиси Ш. Муртозоев, Шаҳрисабз ноҳиясидаги 8-, 67-, 72-, 36-мактаб ўқитувчилари Эгамберди Жабборов, Саидали Аллаев, Шоймардон Омонов ва Ходихон Музаффаровлар курс машғулотларига фаол қатнашиб, синовларни аъло баҳоларга топширдилар.

Н. ХУДОЙҚУЛОВ,
Шаҳрисабз ноҳиясидаги 46-мактаб ўқитувчиси.

Тайёра йўқолиб қолди

1 август куни соат 10 дан 17 минут ўтганида Степанакерт ноҳиясида Арманистон граждан авиацияси бошқармасига қарашли ва Ереван-Степанакерт рейси бўйича учаётган «ЯК—40» тайёраси тайёрагоҳ зонасига киргандан кейин у билан алоқа узилиб қолди, деб хабар беришди СССР давлат авиация назорати қўмитасида. Тайёра ичида 26 нафар йўловчи ва 4 нафар экипаж аъзоси бўлган. Қидирув-қутқарув ишлари бошлаб юборилди. Давлат авиация назорати қўмитасининг комиссияси текшириш ишларини олиб бормоқда.

* * *

СССР граждан авиацияси бошқармасида ТАСС мухбирига хабар қилишларича, тайёрани қидириш ишлари зўр бериб олиб борилмоқда. Бунинг учун ҳарбий ҳаво кучларининг ва граждан авиацияси Озарбайжон бошқармасининг вертолётлари ишга солинди. Тайёра йўқолган жойдаги қуюқ туман қидирув ишларини қийинлаштирмоқда.

***

СТЕПАНАКЕРТ. (ТАСС мухбири В. Биркин). Кеча Москва вақти билан соат 8 дан 05 минут ўтганда Озарбайжон ССР Лочи ноҳиясидаги Фарраж қишлоғидан беш километр шимолда тоғда, денгиз сатҳидан 2823 метр баландликда вертолётдан туриб «Як-40» пассажир тайёрасининг парчалари топилди.

(ТАСС мухбири).

«Союз ТМ-10» учирилди

Космик фазони тадқиқ этиш программасига биноан 1990 йил 1 август куни Москва вақти билан соат 13 дан 32 минут ўтганда кема командири Геннадий Михайлович Манаков ва борт муҳандис икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССР космонавт-учувчиси Геннадий Михайлович Стрекаловдан иборат экипаж бошқарадиган «Союз ТМ-10» космик кемаси учирилди.

«Союз ТМ-10» кемасининг учувчи бошқарадиган «Мир» комплекси билан туташиши 3 августга белгиланди. Биргаликдаги учиш чоғида ер атрофи орбитасида узоқ вақт ишлаётган Соловьев ва Баландин илмий тадқиқот комплексининг олтинчи асосий экспедицияси космонавтлари алмашдилар.

«Союз ТМ-10» кемасининг ички системалари нормал ишлаб турибди, космонавтлар Манаков ва Стрекалов ўзларини яхши ҳис этмоқдалар.

Хўжалик ҳисоби ва саломатлик

Хўжалик ҳисоби ва оқилона хўжалик юритиш Андижон «Коммунар» заводига замонавий спорт-соғломлаштириш комплексини сақлаш имкониятини бермоқда. Эндиликда ишчилар ва уларнинг оила аъзолари руҳиятни енгиллаштириш хоналарига, машқ қилиш залларига, сауна, ҳавзага бепул кира оладилар...

Яна бир янгилик жорий қилинган: касаба қўмитасининг ташаббуси билан папирос чекмайдиган корхона ходимларининг 13 маошига уч фоиз қўшимча ҳақ қўшиб берилади. Айниқса, бу ерда болали аёлларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатилаяпти. Уларнинг маоши тўла сақланган ҳолда иш куни бир соатга қисқартирилган.

Кишиларга кўрсатилаётган ғамхўрликка улар виждонан меҳнат қилиш ҳамда юксак меҳнат унумдорлигига эришиш билан жавоб бермоқдалар.

В. ПОЖОГИН.

Шу сонга хабар

ЎЗБЕКИСТОН КОМСОМОЛЛАРИ ВА ЁШЛАРИГА

МУРОЖААТ

Иттифоқ бўйича дўстлар, комсомол ходимлари, йигит ва қизлар!

Яқинда Ўзбекистон ЛКЕИ Марказий Қўмитасининг VIII пленуми бўлиб ўтди. Пленум 1990 йил ноябрь ойида жумҳурият комсомолининг XXIV съездини чақириш тўғрисида қарор қабул қилди.

Сиз билан бизга, комсомол тарихида биринчи бор жумҳурият комсомолининг ўз Ҳаракат дастури, Устави ва назорат органлари тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқиш имконияти берилаяпти.

Бугун сизнинг ҳукмингизга Ўзбекистон комсомол ташкилотларининг назорат комиссиялари тўғрисидаги Низомнинг 1-вариантини тақдим этаяпмиз.

Агар сизга иттифоқимизнинг келгуси тақдири бефарқ бўлмаса, агар сизни жумҳурият комсомолининг эртанги куни масаласи хавотирлантираётган бўлса, биз сизни Низом лойиҳасининг муҳокамасида фаол қатнашишга чақирамиз.

Уз таклиф-мулоҳазаларингизни Ўзбекистон комсомол ташкилотларининг назорат комиссиялари тўғрисидаги Низом лойиҳасини тайёрлаш гуруҳи номига қуйидаги манзилга юборишингизни сўраймиз: 700029, Тошкент шаҳри, Намойишлар хиёбони, 5. Ўзбекистон ЛКЕИ Марказий Қўмитаси, Ўзбекистон ЛКЕИ Тафтиш Комиссияси.

Лойиҳа

ЎЗБЕКИСТОН ЛКЕИнинг ВИЛОЯТ, ШАҲАР, НОҲИЯ ВА БОШЛАНҒИЧ КОМСОМОЛ ТАШКИЛОТЛАРИ НАЗОРАТ КОМИССИЯЛАРИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

Бугун муҳокама учун тақдим этилаётган Низом лойиҳаси Ўзбекистон ЛКЕИ Тафтиш Комиссияси раисининг ўринбосари Н. Убайдуллаев бошчилигидаги ишчи гуруҳи томонидан тайёрланган ва вилоят комсомол ташкилотларининг тафтиш комиссиялари раислари кенгаши томонидан маъқулланган.

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ўзбекистон комсомол ташкилотларининг назорат комиссиялари Ўзбекистон ЛКЕИ Ҳаракат дастури ва Устави, олий органларининг қарорлари бажарилишини, комсомол органлари ва уларнинг аппаратлари ишидаги қоғозбозлик ва расмиятчилик билан курашиш мақсадида тегишли комсомол ташкилотларининг йиғилишлари, конференциялари, съездлари томонидан сайланади.

2. Назорат комиссиялари социалистик қонунчилик, коллегиаллик ва ошкоралик асосида ҳаракат қиладилар.

3. Назорат комиссиялари мустақилдирлар ва фақат Ўзбекистон ЛКЕИ Уставига, БЛКЕИ Уставига, съездга, конференцияга, йиғилишга бўйсунадилар. Съезд, конференция ва ҳисобот-сайлов йиғилишлари оралиғидаги даврда назорат комиссиялари юқори комсомол қўмиталари раҳбарлиги остида ишлайдилар.

Турли даражадаги назорат комиссиялари бир-бирлари устидан раҳбарлик қилмайдилар.

II вариант .... назорат комиссиялари юқори назорат комиссиялари ва комсомол қўмиталари раҳбарлиги остида ишлайдилар.

III вариант ....назорат комиссиялари юқори назорат комиссиялари раҳбарлиги остида ишлайдилар.

4. Назорат комиссияларининг фаолият тартиби назорат комиссиялари тўғрисидаги Низом, Ўзбекистон ЛКЕИ Устави, БЛКЕИ Устави талаблари, амалдаги қонунлар билан белгиланади.

II. НАЗОРАТ КОМИССИЯЛАРИНИНГ ТАРКИБИ ВА САЙЛАНИШ ТАРТИБИ

5. Комсомол ташкилотларининг назорат комиссиялари комсомолларнинг манфаатларини ҳимоя қила оладиган, билимдон, ҳалол ва принципиал БЛКЕИ аъзолари сафидан сайланади.

6. Комиссияларнинг миқдорий ва шахсий таркиби йиғилиш, конференция ва съезд томонидан белгиланади. Назорат комиссияси аъзолари комсомол ташкилотларининг миқдор таркибига қараб белгиланган ваколат нормалари юзасидан тавсиялари бўйича сайланадилар.

Агар комсомол ташкилотининг назорат комиссияси таркибига белгилаб қўйилган ўрин бўйича тавсия этилган вакили унинг раиси этиб сайланса, мазкур ташкилот ана шу ўринга ўз вакилини тавсия этиш ҳуқуқини сақлаб қолади.

7. Назорат комиссияси аъзолари бутун ҳисобот даврга, келгуси съезд, конференция, йиғилишгача сайланадилар.

Комиссия аъзолари тегишли комсомол қўмитаси таркибига киришлари ёки унинг аппаратида ҳамда комиссия томонидан текширилувчи корхоналарда лавозим эгаллашлари мумкин эмас.

8. Назорат комиссиялари ўз ташаббуси ёки бошланғич комсомол ташкилоти ва тегишли комсомол ташкилотлари таклифи бўйича комиссия таркибидаги ўз аъзосини чақириб олиши мумкин. Назорат комиссиясига янги аъзони киритиш тўғрисидаги масала бошланғич комсомол ташкилоти ва тегишли комсомол ташкилотлари тавсиялари асосида ҳал этилади. Қарор комиссия аъзоларининг 2/3 кўпчилик овоз бериши билан қабул қилинади.

Назорат комиссияси таркиби ҳисобот даврда 1/3 кўп бўлмаган қисмигина янгиланиши мумкин.

9. Назорат комиссияси раиси съезд, конференция, йиғилиш томонидан сайланади. Комиссия раиси ҳисобот даврида комиссияга ҳисобот беради ва комиссия томонидан унинг таркиби кўпчилиги билан қайта сайланиши мумкин.

III. ҲУҚУҚЛАРИ, ВАЗИФАЛАРИ ВА МАСЪУЛИЯТИ

10. Назорат комиссиялари ўз ваколати доирасида йиғилишга, конференцияга, съездга тегишли комсомол қўмиталари фаолияти тўғрисида хулоса тақдим этадилар.

11. Назорат комиссиялари ўз ташаббуси, тегишли комсомол қўмиталари, олий ва сайлаб қўйиладиган органлари, комсомол ташкилотлари, БЛКЕИ аъзолари ташкилотлари бўйича ўз вазифаси доирасида тегишли комсомол қўмитасига қўмита, унинг бюроси, Ўзбекистон ЛКЕИ ва БЛКЕИ съездлари, Бутуниттифоқ ва жумҳурият комсомол конференциялари қабул қилган қарорлар, Ўзбекистон ЛКЕИ ва БЛКЕИ Уставлари, амалда бўлган қонунларга мувофиқ келиш-келмаслиги тўғрисида тегишли қарорлар ёки ҳужжатларнинг лойиҳаларини тақдим этади. Тегишли комсомол қўмиталари мажбурий тартибда кўриб чиқади.

12. Назорат комиссиялари ўз фаолиятлари юзасидан қарор қабул қилади, текширишлар ва тафтишларнинг якунлари бўйича актлар тузади. Уларнинг натижалари тафтиш қилинган органлар ва бўлинмалари маълумотига етказилади. Тегишли комсомол қўмитаси тасарруфидаги барча тафтиш қилинадиган органлар, корхоналар ва муассасалар назорат комиссияси қарорларини, актларини кўриб чиққандан ва комиссия белгилаган муддатларда улар кўрсатиб ўтган фикр-мулоҳазалар ва таклифлар рўёбга чиқарилгани тўғрисида уни маълум қиладилар.

Зиддият ёки бузилиш аниқланганда назорат комиссияси ҳужжатни қабул қилган органларга, корхоналарга, ва муассасаларга тақдимнома юборадилар.

Назорат комиссиясининг тақдимномаси билан норози бўлган тақдирда улар ўз фикрларини юқори комсомол қўмиталари ва назорат комиссиялари маълумотига етказадилар. Назорат комиссиясининг қарор қабул қилиш, тафтиш ва ҳужжатлар ҳаракатини тўхтатиб туриш ҳуқуқи асосидир.

13. Назорат комиссиялари ўтказилган тафтиш ва текширишлар якунлари бўйича комиссия ёки унинг бюроси қарори асосида айбдор шахсларни интизомий ва моддий жавобгарликка тортмоқ ҳуқуқига эгадирлар. Аниқланган камчиликлар, бузилишларни бартараф этиш пайтида сансалорлик кўринишлари, тартиб ўрнатиш тўғрисидаги талаблар, эътиборсиз қолдирилган ҳолларда комиссия тегишли комсомол қўмитасига уларнинг раҳбарларига ёки ходимларига интизомий таъсир, эгаллаб турган лавозимларидан озод қилишгача бўлган чоралар қўллаш тўғрисида тақдимномалар киритиш ҳуқуқига эга, тавсияномага комиссия белгилаган муддат ичида асосли равишда жавоб олинади.

14. Назорат комиссиялари тафтишлар, текширишлар натижалари тўғрисида ўзларининг қарорлари бўйича тегишли комсомол қўмиталарининг пленумларида, йиғилишларида маълумот берадилар ва БЛКЕИ аъзоларини оммавий ахборот воситалари орқали хабардор этадилар.

15. Назорат комиссияси аъзолари ўз вазифаларини бажариш пайтида комиссия томонидан бевосита олинган, шунингдек, комсомол қўмиталари ёки уларнинг бўлинмалари ихтиёрида бўлган барча ҳужжатлардан фойдаланадилар.

16. Назорат комиссиялари:

— тегишли комсомол қўмиталари фаолиятида Ўзбекистон ЛКЕИ ва БЛКЕИ Уставлари талабларига риоя қилиниши учун назоратни амалга оширадилар;

— тегишли комсомол қўмиталарининг бюджети лойиҳаси юзасидан хулоса берадилар, унинг бажарилишини тафтиш қиладилар, тегишли комсомол қўмитаси ҳузурида ёки унинг иштирокида ташкил этилган корхоналар ва ташкилотларнинг молиявий-хўжалик фаолиятини назорат қиладилар;

— тегишли комсомол қўмиталарида, унинг муассасаларида ва босма органларида ишларнинг ўтиши, комсомолларнинг хатлари, шикоятлари, таклифлари ва танқидий фикр-мулоҳазаларини кўриб чиқиш юзасидан белгиланган иш тартибларига риоя қилинишини текширадилар;

— аниқланган камчиликлар ва бузилишларни бартараф этишга қаратилган зарур чора-тадбирларни ишлаб чиқадилар, тегишли комсомол қўмиталарининг фаолиятини takомиллаштириш юзасидан таклифлар киритадилар;

— юқори назорат комиссиялари тегишли комсомол қўмиталари билан биргаликда қуйи назорат комиссияларига амалий ва методик ёрдам кўрсатадилар.

17. Назорат комиссиялари амалга оширган ишлари тўғрисида ҳисобот-сайлов йиғилишларида, конференцияларда, съездда ҳисобот берадилар ва ўз фаолиятининг натижалари учун уларнинг олдида жавобгар бўладилар. Ҳисобот даври мобайнида комиссиялар ўз фаолиятларининг натижалари тўғрисида тегишли комсомол қўмиталари ва комиссияларининг қўшма йиғилишларига, пленумларига ахборот берадилар.

18. Комиссия аъзосини комсомол жавобгарлигига тортиш тўғрисидаги қарор комиссия тақдимномаси бўйича уни тавсия қилган комсомол ташкилоти томонидан қабул қилинади.

19. Назорат комиссия аъзолари мажбурий равишда уларни тавсия қилган БЛКЕИ аъзоларидан, комсомол ташкилотларидан олган топшириқлари бўлиши шарт ва йилига камида икки марта улар олдида ўз фаолиятлари тўғрисида ҳисобот берадилар.

20. Назорат комиссиясининг раиси, унинг йўқ пайтида ўринбосари, масъул котиби тегишли комсомол қўмитасининг бюроси, котиблар кенгаши ишида маслаҳат овози ҳуқуқига эга ҳолда қатнашадилар.

II вариант. Тегишли комсомол қўмитасининг бюросида, котиблар кенгаши ишида комиссиянинг раиси ҳал қилувчи овоз билан, унинг йўқ пайтида ўринбосари ёки масъул котиби маслаҳат овоз ҳуқуқига эга ҳолда қатнашишга ҳақлидир.

Тегишли комсомол қўмиталарининг бюро, котиблар кенгаши ва комиссиялари ишида зарурат бор пайтларда назорат комиссияларининг аъзолари ҳам маслаҳат овоз ҳуқуқи билан қатнашишга ҳақлидир.

IV. НАЗОРАТ КОМИССИЯЛАРИ АЪЗОЛАРИНИНГ МАҚОМИ

21. Назорат комиссиялари аъзоларининг мақоми:

а) назорат комиссиялари аъзоларининг ваколатини;

б) назорат комиссиялари аъзоларининг комиссия таркибидаги фаолиятини;

в) назорат комиссияси аъзоларининг бошқа комсомол органлари, муассасалари, корхоналари, шахслар билан ўзаро муносабат принципларини;

г) назорат комиссиялари аъзоларининг фаолиятининг асосий кафолатлари ва назорат комиссияси раисининг мақомини ўз ичига олиб, комсомол қўмитаси ва комиссиянинг қўшма пленуми қарори билан аниқланган бўлиши лозим.

V. НАЗОРАТ КОМИССИЯЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТ ТАРТИБИ

22. Назорат комиссиялари пленуми, мажлиси, уларнинг фаолиятига коллегиал раҳбарлик қилиш шакли ҳисобланади. Пленумлар, мажлислар тегишли комсомол қўмиталари пленумларини ўтказиш учун ўрнатилган муддатларда, аммо ундан кам бўлмаган ҳолда, бошланғич комсомол ташкилотларида эса заруратга қараб ўтказилади.

Зарурат туғилган тақдирда комсомол қўмитаси ва комиссиянинг қўшма пленумлари чақирилади. Уларда комиссия аъзолари ҳал қилувчи овозга эга ҳуқуқда қатнашадилар. Қўшма пленум қарори ҳар бир сайлаб қўйиладиган икки орган қатнашаётган аъзоларининг ярмидан кўпи уни ёқлаб овоз берган тақдирдагина қабул қилинган ҳисобланади.

23. Назорат комиссиялари ўз фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича доимий комиссиялар тузади. Бюро, раис ўринбосарини сайлайди, комиссиянинг масъул котибини ва доимий комиссияларнинг раҳбарларини тасдиқлайди.

24. Комиссия аппаратидаги бошқа ишлардан озод ҳолда ишлайдиган ходимларнинг сони комиссияларнинг тақдимномалари бўйича қўшма пленумда аниқланади.

25. Назорат комиссиялари ўзларининг амалий фаолиятларини мажбуран комсомолларга кенг суянган ҳолда амалга оширадилар. Уларнинг тузилиши ва штатларини комиссиялар қўшма пленумда аниқланган бошқа ишлардан озод ҳолда ишлайдиган ходимлар сонига қараб тасдиқлайдилар, ходимларини эса комиссияларнинг бюроси тасдиқлайди ва бўшатади.

26. Зарурат туғилган пайтда тафтишлар ўтказиш учун мутахассислар жалб этадилар, уларнинг ишларига белгиланган тартибда ҳақ тўланиши мумкин. Комиссиялар фаолиятида комсомол ходимлари бўлмаган комиссия аъзоларининг асосий ишларидан жалб қилинган ҳолда иштирок этган даврларига комиссия бюросининг қарори бўйича ҳақ тўланиши мумкин.

27. Назорат комиссиялари фаолиятини маблағ билан таъминлаш комиссияларнинг иш режаси, тузилиши ва штатларидан келиб чиқиб, комиссияларнинг йил бўйига тасдиқлаган алоҳида сметаси бўйича тегишли комсомол қўмиталари бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Маблағларни сарфлаш назорат комиссияларининг қарорлари асосида тегишли комсомол қўмиталари орқали амалга оширилади.

Комиссиялар раисларига назорат комиссиялари сметалари доирасида кредитларни тақсимлаш ҳуқуқи бериб қўйилади.

28. Назорат комиссиялари уларнинг ҳуқуқ ва вазифалари доирасидаги фаолияти учун зарур бўлган маблағ билан таъминлайдиган системани яратишга интиладилар. Зарур шароитлар мавжуд ҳолларда назорат комиссиялари мустақил равишда комиссияларнинг молия-хўжалик фаолиятини юритиш учун ўзларининг ҳисоб счётларига эга бўлишлари мумкин.

29. Назорат комиссиялари ўз номи битилган муҳрга эга бўладилар.

VI. ЎЗБЕКИСТОН ЛКЕИ МАРКАЗИЙ НАЗОРАТ КОМИССИЯСИ

30. Жумҳурият комсомол ташкилотининг назорат комиссияси Ўзбекистон ЛКЕИ Марказий Назорат Комиссияси (МНК) деб номланади.

31. Ўзбекистон ЛКЕИ Марказий Назорат Комиссиясининг раиси, унинг ўринбосари ва масъул котиби озод қилинган комсомол ходимлари бўладилар.

32. Ўзбекистон ЛКЕИ Марказий Назорат Комиссияси Тошкент шаҳрида, Ўзбекистон комсомолининг Марказий Қўмитаси билан биргаликда жойлашади.

ХорижДан хабарлар

Телетайп лентасидан

● **Вашингтон.** Оқ уй вакили Эликси Глен шу йилнинг ноябрида олий даражадаги Совет-Америка учрашуви ўтказилиши эҳтимоли борлигини айтди. «Агар Европадаги оддий қуролли кучларни ва қурол-яроғларни қисқартириш тўғрисида битимга эришиладиган бўлса, ҳозирги вақтда Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланиб ноябрь ойида Парижда ўтказиладиган кенгаш доирасида олий даражадаги учрашув ўтказиш режаси тузилмоқда», — деб таъкидлади Оқ уй вакили журналистлар билан навбатдаги учрашувда.

● **София.** Болгариядаги парламент танглиги яна бир кун чўзилди. Ўтган икки ҳафтадан кўпроқ вақт ичида буюк халқ мажлисининг депутатлари харчанд уринсалар ҳам, президентни сайлай олмадилар, улар тўрт номзодни рад этдилар. Сешанба куни ҳам шу масала юзасидан овоз беришни ўтказишнинг иложи бўлмади: президентлик лавозимини эгаллаш учун уч овоз етмаган Болгария деҳқонлар халқ уюшмасидан номзод Виктор Вилков ҳам, оппозициядаги демократик кучлар иттифоқининг номзоди Пётр Дертлиев ҳам кутилмаганда ўз номзодларини қайтариб олдилар.

● **Берлин.** Берлинда Германия демократик жумҳурияти билан ГФЖ ўртасида «иккинчи» давлат шартномаси деб аталган шартнома тўғрисидаги музокараларнинг иккинчи даври бошланади. Бу шартнома ГДЖни Ғарбий Германиянинг асосий қонуни 23-моддасига биноан ГФЖга қўшиш учун ҳуқуқий шарт-шароитлар яратиши керак. Шу ҳужжатнинг асосий қоидаларини ГДЖ ҳукумати муҳокама қилди.

● **БМТ.** Қўшма Штатлар Либериянинг шу мамлакатдаги можарони бартараф этишга БМТни жалб этиш тўғрисидаги илтимосини қўллаб-қувватламоқчи бўлиб турибди, деди АҚШнинг БМТ ҳузуридаги доимий вакили Томас Пикеринг журналистларга. Қўшма Штатлар Либериядаги воқеалар муносабати билан БМТ хавфсизлик кенгашини чақиришни сўраб мурожаат қилаётгани йўқ, бироқ Либерия ҳукуматининг БМТ Бош секретарига ёрдам сўраб қилмоқчи бўлган мурожаатини қўллаб-қувватлайди, деб таъкидлади у.

● **Гавана.** Бир гуруҳ мусулмонлар Тринидад ва Тобаго бош вазири Артур Робинсонни қўйиб юбордилар, улар ўтган шанбадан бери бош вазирни гаровга ушлаб турган эдилар. Пренса Латина ахбороти агентлигининг хабар қилишича, Кариб денгизидаги мана шу давлат ҳукуматининг бошқа аъзолари ҳали ҳам давлат телестанцияси биносини ишғол қилиб турган қуролли гуруҳ қўлида қолмоқда. Гувоҳлар айтган гапга асосланиб хабар қилишларича, 63 яшар Артур Робинсон ногиронлар аравачасида парламент биносига келтирилди. Қўлга олиш пайтида унинг иккала оёғи яраланган эди.

(ТАСС).




Яна бир қароқчи СССРга топширилади.

Стокгольм. Июнь ойининг охирида тайёрани Швецияга олиб қочган Анатолий Михайленко Совет Иттифоқига топшириладиган бўлди. Швеция ҳукуматининг бўлиб ўтган навбатдан ташқари мажлисида шундай қарор қабул қилинди.

Швеция томони ўз қарорида қонунбузар чегарани қонунга хилоф равишда кесиб ўтганлиги учун эмас, балки фақат тайёрани олиб қочганлиги учунгина жавоб бериши керак, деган шартни писанда қилиб қўйди.

Аэрофлот лайнерларини июнь-июль ойларида Швецияга олиб қочишни бошлаб берган 17 яшар Дмитрий Семенов икки ҳафта муқаддам Совет Иттифоқига топширилган эди.

Учинчи олиб қочар — 18 яшар Михаил Мокрецовнинг иши ҳозир кўриб чиқилмоқда. Чоршанба куни М. Мокрецовнинг иши олий судда муҳокама қилинди.



Сиэтлда ўтаётган II-Яхши ният ўйинлари рекордларга жуда бой бўлди. Спортнинг кўпгина турлари бўйича ўтказилган беллашувларда мамлакатимиз спортчилари ҳам муваффақиятли иштирок этишаяпти. Айниқса, баландликка сакраш бўйича бўлган беллашувда ғолиблик шоҳсупасига кўтарилган Е. Елесинанинг ҳиссаси катта бўлди (пастда).

Кубалик спортчи А. Квиротга ҳам осон бўлмади. У 800 метр масофага югуриш бўйича ғолиб бўлди (юқорида).

А. ЧУМИЧЕВнинг телесурати.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

КЕЛЛИНИНГ ЮТУҒИ

● БРИТАНИЯЛИК матрос Артур Келли пиёда қўшинларда хизмат қилувчи капрал (баъзи чет эл армияларида кичик командирлар ёки аскар унвони) Доналд Фокс билан гаров ўйнашди. Гаров шарти бўйича Келли ҳеч нарсадан фойдаланмаган ҳолда 425 метрлик Гибралтар қояқалъасига чиқиши керак эди. Ўртага анча сумма— 380 фунт стерлинг «тикилди».

Фокс бу ўйинда ютишига жуда ишонганди, чунки тик қояга ҳеч нарсасиз тирмашиб чиқиш мумкин эмасди Лекин... Келли ютиб кетди.

Ғарбий Германиянинг «Франкфуртер рундшау» рўзномасида ёзишларича, Келли гаров шартида келишилгандек фақат қўлқоп, тиззага кийиладиган совут ва махсус оёқ кийимидан фойдаланган холос.

УЛКАН ГУЛ

● ИНДОНЕЗИЯНИНГ чакалакзорларида, Ява ва Суматра оролларида ғаройиб гул ўсади. У жуда чиройли бўлмасада, лекин жуда улкан. Гул очилган пайтда унинг диаметри 1 метрни ташкил этади, оғирлиги эса 7 килограммга етади, 7—10 кунгача очилиб туради. Бу гул Раффлезия падра деб аталади.

КАМБАЛА СОВУҚ УРИШИГА ҚАРШИ

● АМЕРИКАЛИК фермерлар кўпинча бевақт келган совуқдан нолишади. Чунки бор ҳосилни йўққа чиқаради-да. Эндиликда эса экинларни совуқ уришига қарши курашиш йўли ҳам топилди. Маълум бўлишича, камбала балиғида табиий «антифриз» бор бўлиб, у ҳарорат нул даражадан бир қанча паст бўлган тақдирда ҳам балиқ танасидаги қоннинг музлаб қолишига йўл қўймайди.

Луизан дорилфунуни олимлари балиқдаги бундай генни ўсимликларга ўтказиш бўйича тажриба олиб боришмоқда. Уларнинг фикрича, бу «антифриз» совуқда ўсимлик толаларида пайдо бўлувчи музларни парчалаб ташлаш хусусиятига эга.

Тамаки устида олиб борилган биринчи тажрибанинг натижалари ҳар қалай олимларни қувонтирди. Тамаки 8 даража совуққа ҳам бардош берди.

Эндиликда олимлар бундай генларни цитрусли ўсимликларга ва қулупнайларга ўтказишмоқчи.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

Хорижлан хабарлар

Мен жилғаман, дарё бўлиб тўлгим келади!

ЖИЛҒА №5

Жумҳурият талабаларининг хабарномаси

Ҳолва деган билан...

Етук ўқитувчи тайёрлаш бугунги куннинг долзарб масалаларидан. Педагогика олий ўқув юртларида тайёрланаётган мутахассисларнинг сифатига алоҳида эътибор бериш лозим. Шу мақсадда бизнинг олийгоҳимизда, жумладан куллиётимизда кейинги йилларда бирмунча амалий ишлар қилинмоқда.

Дастлаб касбга йўналтириш иши жонлантирилди. Куллиёт ўқитувчилари вилоятнинг Нишон, Қарши, Деҳқонобод, Чироқчи, Муборак ноҳиялари мактабларида бўлиб, олийгоҳ, куллиёт ҳақида, ўқитувчилик касби, физика ва математикага оид турли мавзуларда суҳбатлар, савол-жавоб кечалари ўтказдилар.

Куллиётимизда таҳсил кўришни хоҳловчи юқори синф ўқувчилари аниқланиб, улар билан машғулотлар ўтказилмоқда. Ҳозир Қарши шаҳри ва ноҳияси ўқувчилари учун физика ва математика фанларини чуқур ўрганишга оид махсус синфлар ташкил этилган. Уларда 2 йил давомида дарс машғулотлари олиб борилади. Ноҳияда куллиёт ўқитувчилари ойида 2 марта бўлишади ва машғулот ўтказадилар. Мактабнинг тажрибали математика ўқитувчилари ҳам жалб қилинган.

Шундай махсус синфларни вилоятнинг узоқ ноҳияларида ташкил қилиш анча қийинчиликлар туғдиради. Шу боис ҳам вилоят марказида физика ва математика фанларини чуқур ўргатишга йўналтирилган ихтисослаштирилган мактаблар ташкил қилиш ва унга иқтидорли болаларни жалб қилиш лозим.

Институтимизнинг физика кафедраси ўқувчилари эса Қарши шаҳридаги 5-, 29-, 25-мактаб ларининг физика ўқитувчилари билан ҳамкорликда дарс ўтишмоқда. Бу ижобий самара бериши шубҳасиздир.

Ўзбек тилида дарсликларнинг камлигини назарда тутиб куллиёт ўқитувчилари методик кўргазмалар ва ўқув қўлланмалари тайёрладилар. Масалан, доцент Н. Дилмуродовнинг «Лимитлар назариясига кириш», доцент С. Узоқовнинг «Математикадан мустақил ишлар» номли ўқув қўлланмалари, профессор Д. Шодиевнинг ўрта мактабнинг IX—XI синфлари учун дарслиги ва бошқалар шулар жумласидандир.

Ўқитувчилар томонидан имтиҳонларда қўйилаётган баҳонинг холисона бўлиши учун назорат кучайтирилди. Имтиҳонга фаол талабалар, куллиёт комсомол ва касаба уюшмаси ташкилотларининг бюро аъзолари, кафедранинг бошқа ўқитувчилари таклиф этилади. Сессия тугагач, қўйилган баҳоларнинг холислиги ҳақида талабаларнинг фикрлари сўров варақаси ёрдамида аниқланади ва унинг натижаси таҳлил қилинади.

Яқинда талабаларнинг математика бўйича бўлиб ўтган, жумҳурият олимпиадасида куллиётимиз талабалари фахрли биринчи ўринни эгаллашди.

Н. ШАРИПОВ,
Қарши давлат педагогика институти, математика-физика куллиётининг декани, доцент.

ЯЛОВБАРДОР БЎЛА ОЛАДИМИ?

Комсомолнинг кейинги тақдири нима бўлади? У ёшлар орасида ўз мавқесини тиклаб оладими? — деган саволларга жумҳурият рус тили ва адабиёти институтининг комсомол ташкилоти котиби Ҳикмат Қудратович Саидмуродов ишонч билан ҳа, деб жавоб беради. Қандай қилиб?

— Энг аввало ташкилот мустақилликка эришиши ва ёшлар билан келишилган ҳолда, уларнинг қизиқишларини ҳисобга олиб ўз иш режаларини тузиши керак.

Мана яқинда миллий куллиётларимиздан бирининг комсомол ташкилоти ўз миллий дастасини тузиш ташаббуси билан чиқишган эди. Институт комсомол ташкилоти уларнинг ташаббусини қўллаб қувватлаб, даста учун беш минг сўм пул ажратиб берди. Шунингдек, институтда «Суғдиёна» дастаси ва «Феруз» миллий рақс дастаси иш олиб бораётир.

Бундан ташқари бошланғич комсомол ташкилотлари котиблари ўқув йили давомида «Комсомолнинг бугунги муаммолари» мавзусида 35 соатлик маъруза тинглашди.

Ҳа агар ҳар бир комсомол аъзоси ўз устидаги масъулиятни сезса, комсомол ташкилотлари ёшлар билан келишиб иш олиб боришса, у албатта ўз мавқесини тиклаб олади.

Ж. НУРИММАТОВ.

БУ ЙИЛ ЖУМҲУРИЯТИМИЗНИНГ 14 ПЕДАГОГИКА ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИДА АБИТУРИЕНТЛАР УЧУН 12350 ТА ЎРИНГА 47829 ЙИГИТ-ҚИЗ ҲУЖЖАТ ТОПШИРДИ. УЛАРНИНГ 4235 НАФАРИ ОЛТИН МЕДАЛЬ ВА ИМТИЁЗЛИ ДИПЛОМ СОҲИБЛАРИ.

ШУ КУНГА ҚАДАР 2381 НАФАР ЁШ, ТАЛАБА НОМИГА МУШАРРАФ БЎЛДИ. 2272 ЙИГИТ-ҚИЗ ЭСА ИЛК БОР ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИНИНГ 56-СОНЛИ ҚАРОРИГА МУВОФИҚ ИМТИҲОНСИЗ, СУҲБАТ ОРҚАЛИ ОЛИЙГОҲ ОСТОНАСИНИ ҲАТЛАБ ЎТДИ.

«Нишона»

ХАЁЛИНГ

Кўм-кўк майсалардан кўрпача тўшаб,
Қуёшни меҳмонга чорлаган дала
Бағрида яйрасам гўдакка ўхшаб
Қалбимни тарк этар
балки оҳ-нола.


Ёки тун зулматин эгнимга кийсам,
Абад сукунатнинг тутсам баридан
Халос этарманми,
кўксимни бир дам
Севгининг муқаддас азобларидан!
...Садақа тилаган тиланчи каби
Мен жавоб кутаман саволларимга.
Жавобга очилмас тоғларнинг лаби,
Дарёлар қайрилмас асло зоримга,
Ноилож
Жавобни ўзим излайман —
Ёлвориб ўйларга:
«Мени тинч қўйинг...»
Хотирам деворин тирқишларидан
Сизиб кираверар
хаёлинг ўйинг.

Х Х Х

Гоҳида келади сен-ла сирлашгим
Кўнглимнинг бисоти-эзгу дардимни
Сенга ишонмоқдан қўрқаман лекин.
Гар бир кун ишонсам ёлғиз ўтинчим:
Сен мени ўзингдан ортиқроқ севма,
Ўзимдан ортиқроқ мени тушунгин.

Сирожиддин **РАУПОВ.**






Жумҳуриятимиз олий ўқув юртларида кириш имтиҳонлари тугади. Бу йилги имтиҳонлар аввалгиларидан нимаси билан фарқ қилади!

Сўнгги вақтдаги миш-мишларга қулоқ тутадиган бўлсак, қатор олий ўқув юртларида кириш имтиҳонларига қўйилган талаблар қўпол равишда бузилаётгани ҳақида турли гапларни эшитиш мумкин. «Ҳуқуқшунослик куллиётида бу йил ҳар бир абитуриент фақат ўз билими билан қабул қилинар эмиш»... Тошкент халқ хўжалиги олийгоҳига ҳужжат топшириш учун аввал шартнома тузиб пул ўтказиш керак экан». «Тошкент театр ва рассомлик санъати олийгоҳида 325 сонли қарорни бажариш учун ота-оналарнинг ўзлари 3 мингдан пул ўтказишаётган эмиш» каби миш-мишлар бор жойда ҳақиқатни аниқлаш қийин...

Ушбу суратлар дорилфунун куллиётларида ўтаётган қабул имтиҳонларидан олинган.

Суратқаш:
Жўра **БОБОРАҲМАТ.**





Баҳс бурчаги

ТАВБА—ТАЗАРРУ

Ҳозирги ёшлар ҳақида сўз кетганида, очиғи улар ҳаётга бефарқ, енгил турмушга интилувчан, дунёга нега келганлигини англашмайди, деган таъналарни ҳам эшитамиз. Бу фикрга бизнингча, асло қўшилиб бўлмайди. Гап шундаки, жамиятда доимо барча воқеа-ҳодисаларни, ўтмиш ва бугунни тўғри идрок этишга интилувчи ёшлар мавжуд бўлади. Миллатнинг келажагини ана шундай куюнчак, фидойи ёшлар белгилайди, назаримизда.

Айни кунда ҳам навқирон талабалар орасида дунёни фалсафий англашга интилувчи уни ўзича идрок этишдан чўчимайдиган ёшлар топилади. Қуйида сиз улардан бирининг фикрлари билан танишасиз. Тўғри, унинг барча фикрларига қўшилиш қийиндир. Бунга муносабат билдириш имкониятидан ҳам фойдаланарсиз. Лекин унинг оламини англашга интилиши қувонарли ҳоллигини таъкидлаш лозим. Зеро, фикрсизлардан, шахсий позицияси мавҳумлардан асрасин.

XIX асрда яшаган даниялик файласуф Сёрен Кьеркегор бир вақтлар «Қаердаки эътиқод юксак бўлса, ўша ерда фикр ўлади, тўғрироғи фикр туғилажак жойда эътиқоднинг мутлақлигига путур етиши хавфи бор», деган фаразни олға сурган эди. Масаланинг бу тариқа қўйилиши жуда чуқур фикр ва муаммоларни қўзғашга сабаб бўлади.

Албатта, эътиқод кенг маъноли тушунча, бироқ ҳар қандай эътиқод кишини мутеликка чорлайди, озод фикри ва ҳаракатларига кўринмас занжир солиб, нимагадир боғлаб қўяди. Эътиқодли шахс бизга номаълум ўзи учун илоҳий бўлган зотга ёхуд идеаллар умумлашмасига қарам ҳолда умр кечиради, унинг бутун истак ва ройиши чегараланган қолиплардан ташқарига чиқмайди. Гап диний имон ёки худога бўлган ишонч ҳақида эмас балки, эътиқоднинг умумий моҳияти тўғрисида кетмоқда.

Лекин танганинг иккинчи томони ҳам бор: киши эътиқодсиз яшай оладими ёки йўқми? Очиғини айтиш керак, эътиқодсиз кишилар ҳаётда онда-сонда учраб туради, улар айниқса, кейинги давр адабиётида яхши аксини топмоқда. Аммо буни том маънода тушунмаслик керак. Албер Камюнинг шундай қиссаси бор: унда ҳеч қандай ахлоқ ва эътиқодни тан олмайдиган «замонамиз қаҳрамонининг» ҳалокати тасвирланади ва у кимсани ёзувчи бизга «бегона» деб атайди. Бир нарсани қатъий белгилаб олмоқ даркор: шахс эътиқодсиз бўлиши мумкин, аммо авлод эътиқоддан маҳрум бўлса, бу фожиадан дарак беради. Охир-оқибат шу авлоддан дажжол туғилиши эҳтимоли бор. Унинг пайдо бўлиши эса қиёмат-қойим деганидир.

Дарвоқе, худо ва диний эътиқод тўғрисида. Одам боласи жисм ва руҳнинг фарқини англаган чоғдан бери ўзида руҳий таянч, озуқага кучли истак сезди ва ички-маънавий оламининг асосий интилишини гоҳ руҳий тозаришда, гоҳ Оллоҳнинг васлига етишда деб, билди. XX аср башарият вакилининг тафаккур қудрати тасаввуридаги реал диний тобеликни сиқиб чиқариб, унда мавҳум қиёфадаги тушунчалар силсиласини қарор топтирди. Ҳатто, айрим даврлар ҳукуматнинг тарғибот ва ташвиқот ҳакамлари ўзлари ишлаб чиққан «ҳар қандай хурофотдан холи бўлган худосизлик (атеистик) мафкураси»ни мажбуран фуқаро онгига сингдиришга ҳаракат қилдилар ва айрим муваффақиятларни қўлга киритдилар. Натижада давр кишисининг маънавий дунёси жуда катта таназзулга юз тутди.

Агар рассом бўлганимизда ва биздан бугунги кундаги инсон руҳининг суратини чизиб беришимизни талаб қилганларида шубҳасиз, биз каттакон ҳувиллаган чўл ва унда ўрмалаб юрган сон-саноқсиз қурт-қумурсқаларни тасвирлаган бўлардик. Албатта, чўлнинг ўртасига ривожланган фан-техниканинг рамзи сифатида учолмай турган улуғвор бир космик ракетанинг мураккаб ички тузилишининг чаплашган манзарасини берардик. Асаримизга «Озодликка эришгач, руҳи вайрон бўлиб, кўкдан нажот истаётган инсониятнинг арши аъло пойидаги ибодати», деган узун ва кўпчиликка тушунарсиз сарлавҳа қўярдик...

Демак, асримиз кишисининг маънавий дунёсида катта жарлик юзага келди ва бугунги кун гуманистлари бу кемтикнинг ўрнини дин билан тўлдиришга зўр бериб уринмоқдалар, тўғрироғи, унга «бегоналаша бошлаган» худони янада илоҳийлаштирмоқдалар. Айтматов «Қиёмат»да тасаввури идишдаги лойқаланган сувдек айниган кишиларни диний ақидаларга бўйсунишга чорлади ва шу йўл билан одам боласини жиноят ва қотилликдан сақлаб қолиш мумкин, деган ғояни илгари сурди. Натижада кўпчилик кекса донишмандлар унинг фикрини маъқулладилар. Биз эса масалага бошқа жиҳатдан ёндашмоқчимиз.

Атрофимизда минглаб, миллионлаб кўз кўриб, қулоқ эшитмаган жиноятлар содир бўлмоқда: ўғил онасини сўймоқда, ота қизини зўрламоқда, қизлар ўзларига фоҳишаликни эп кўришмоқда, ва ҳоказо. Буларнинг сабабини фақатгина диний эътиқоднинг сусайиб кетганлигидан деб, топмаслик керак. Ваҳоланки, Достоевский диндор одамнинг қотиллигини жуда гўзал ва таъсирли тасвирлаганди. Зотан художўй жиноятчини ўғрилик ёки қотилликдан диний эътиқод эмас, балки том маънодаги ҚЎРҚУВ қайтариб туради, унинг ғайришуурий ҳирси ва тўймас истакларини жиловлайди. Одамлар ёппасига диндор бўлдилар деган гап, улар ўғриликни унутдилар, жиноятдан ҳазар қила бошладилар дегани эмас, балки уларга гуноҳ учун олинажак жазо қўрқуви таъсир ўтказа бошлади демакдир. Авомнинг диндорлиги — бу инсонга бўлган эзгу муносабат эмас, дўзахий азоб даҳшати олдидаги ожизлигидир. Қани сиз одамларга дўзах йўқ, охиратда ҳамма бирваракайига жаннатга тушади деб, айтиб ишонтириб кўрингчи, азалий тартиб-у қоидаларга инсониятни қанчалар бўйсунишини ана ўшанда кўрасиз. Ҳа, илоҳий ақидалару, юксак интилишлар ҳосила холос. Ўзак эса ақл англаб етишга қодир бўлмаган ҳайвоний қўрқувда.

Замонамизнинг индивидуал шахси юқорида эсга олинган қўрқувни ҳис қилмай қолди, тўғрироғи унинг шууридаги абадият билан боғлиқ бўлган мутлақ қўрқув ўткинчи дунё даҳшатлари ва васвасаси таъсирида янги шакл-мазмун касб этмоқда. Инсон ўзининг қайта тирилишига ишонмай қўяётир, натижада умри ҳаётининг энг муқаддас асрандисига айланди. Бугунги кунда руҳнинг эмас, тананинг талабларини қондириш энг долзарб ва биринчи галда ҳал қилиниши зарур бўлган муаммога айланиб қолганлигининг ўзиёқ фожианинг бошланишидан дарак беради. Руҳий ва аҳлоқий таълимотлар турмуш машаққати остида гангиган инсониятнинг ёдидан кўтарилиб, четга чиқиб қолмоқда, инсон ўз танасига ҳузур-ҳаловат бағишлашни ҳаётининг ягона мазмуни деб, билмоқда. Бунинг устига унинг идроки худо ва дин билан боғлиқ бўлган тасаввурларни бемаъни деб тушунишга мослашмоқда.

Психоанализнинг отаси З. Фрейд динни болаликка қайтишдир, деб атаган эди. Яъни, ота худонинг мажозий кўриниши ва у мурғак боланинг ягона паноҳи, шу билан бирга ягона жазолагувчиси, деган чиройли ташбеҳга ўралган фикр олдинга сурилади. Материализм шу чоққача инсонни олам аро энг буюк мавжудот деб, келди, уни шу қадар илоҳийлаштирдики, ҳатто инсон тақдир ва табиатнинг азалий оқимини ўзгартириши мумкиндек бўлиб қолди. Ўз-ўзидан унинг ягона жазолагувчиси ва ягона паноҳкори йўқолиб кетди. Натижада инсон ёлғиз қолди ва жиноятга қўрқмай қўл урди: «Ҳаммаси меники, ҳаммаси мен учун» деган худбин концепцияни ишлаб чиқиб, бўйнига тумор қилиб осиб олди. «Материализм кишини шафқатсизлик ва ҳиссизлик саҳроси, идеализм эса раҳм-шафқат ва ҳамдардлик гулшани томон етаклайди! ,деб ёзганида Валентин Распутин юз фоиз ҳақ эди.


Ҳаётда борган сари ёвузлик қонунлари кучга кирмоқда. Дарвин фикрича маймундан келиб чиққан инсоният яна ваҳший ҳайвон қиёфасига қайтаётгандек. Худди Гегельнинг спирал равишда ривожланувчи тараққиёт диалектикаси доиравий айланадигандек. Ахир қаранг, такомилнинг энг сўнгги ютуқларини ўзида мужассамлаштирган маданият вакилининг кундалик турмуши қийноқни кўриб завқланадиган, ёвузликни буюклик деб атайдиган бўлди. Улар фашизмни қоралаб туриб, онгсиз равишда ёки ҳаётнинг тазйиқи остида фашистга айланиб қолмоқдалар. Улар динни шунчаки урф-одат ёки ожиз одамларнинг овунчоғидир деб тушунадилар. Аминмизки, сиз дарҳол Ф. Ницше таълимотини эсга олдингиз.

Давр ўзгармоқда, жаҳолатга бир қадам қолган ҳозирги оғир паллада атрофимизга аланглаб кўз югуртирамиз. Авлодимизни нимагадир қиёслагимиз келади, бироқ ташбеҳ бу ўринда худди сохта мулозаматдек фойдасиз ва эриш туюлишини ҳамма яхши тушунади. Ҳа, биз ёшлар, қутбларини йўқотиб, гангиб қолган аросат болаларимиз. Биз на даҳрий, на художўймиз. Асрлар давомида шаклланиб, ўсиб, қарор топиб келган эътиқодимиз «дин халқ учун афюндир» деган ғоя билан қуролланган коммунистик ахлоқ болтасининг муттасил тақиби остида узилиб кетди ва биз қўлсиз-оёқсиз жаҳаннам қаърида осилиб қолдик.

Гоҳида ўзимизга ўзимиз савол берамиз: «Биз киммиз?». Сўзларимиз худди хумнинг ичидан чиққан садодек ғўлдираб эшитилади, сассиз ва таъсирсиз атрофга сингиб кетади. «Ҳеч киммиз, биз бўшлиқмиз». Шу бўшлиқни тўлдириш, ўзимизни англаб етиш ниятида динга мурожаат қиламиз. Аммо динни ўзига касб қилиб олган тенгдошларимиз ва атрофимиздаги оломонни кўриб кўнглимиз совийди. Сабаб! Фақир, бечораларга ёрдам беришдан олдин уларнинг хаёлларига аввало шу сўз келади. «Ночорга ёрдам берсам савоб бўлади», деб улар эзгу ишга қўл урадилар: ахир савоб гуноҳкор банданинг бу дунёдаги гуноҳларини ювувчи ягона восита-ку, нега энди улар шундай имкониятдан фойдаланиб қолмасликлари керак. Ваҳоланки, фоний дунёда кимки кўп савоб иш қилса ва Оллоҳнинг марҳаматига сазовор бўлса, унинг жони жаннатдир. Бироқ бу эзгу иш — савоб орқасидан ҳам шахсий манфаатнинг ифлос башараси сезилиб туради, зеро ночорга ёрдам қўлини чўзишдан олдин савобгўй бу ҳожатбарорлик орқасидан келгувчи фойданинг ширин хаёлини суради.

Очиғини айтиш керакки, мақсадимиз диннинг моҳиятини таҳлил ва танқид қилиш эмас. Бу бутунлай бизнинг ниятимизга қарама-қарши нарса. Бироқ кейинги пайтда дин ва худо ҳақидаги тушунчаларни янгилаш кераклиги тўғрисида фикрлар билдирилмоқда. Гўё бундан ўн тўрт аср илгари юзага келган ва моҳиятан насронийликдан фарқли ўлароқ, ер юзидаги адолатсизликка қарши курашга чоғланган исломнинг инсонларнинг ибтидоий дунёқарашига мослашган ақидалари бугунги кишиларни Оллоҳнинг қудратига ишонтиролмаётгандек ҳамма худони ўзича таърифлашга ва тушунтиришга уринмоқда. «Мен Худонинг янги, замонавий шаклини излайман... Кимда-ким мени фикримдан қайтаролса ўзимни бахтли санардим», — дейди Авдий «Қиёмат»да. «Биз инкор қилмаймиз, лекин у йўлдан юрмаймиз», деб хитоб қилган эди Нақшбандий.

Чунончи, тожикистонлик ёш ижодкор Х. Убайдуллаев бир ҳикоясида дунёдаги энг тоза ва пок инсон образини яратиб, унга: «Сен дунёдаги биринчи ва сўнгги шаккок одамсан», деб ном беради, яъни, ёзувчи ўзининг поклиги билан моҳиятан худодан қўрқмайдиган ва моҳиятан одам—худоликка даъвогарлик қилувчи инсонни Оллоҳга шак келтирувчиликда айблайди. Албатта, ҳикоя сўфизмнинг асосий ғоялари асосида қурилган. Бироқ, келинг тасаввур қилиб кўрамиз, айтайлик ер юзида жамики одамлар пок бўлиб қолдилар. Унда диний нуқтаи назардан яшашнинг маъниси қолмайди, натижада фоний дунёнинг синов эканлиги ҳақидаги ривоятлар кераксиз бўлиб, чиппакка чиқади. Бу ўринда бир нарсани аниқ белгилаб олмасдан фикр юритиш қийин, яъни худо одамни яратганми ёки одам худони тўқиб чиқарганми? Агар худо одамни яратган бўлса, унда инсоният мутлақ пок бўлолмайди, чунки Оллоҳ ҳали бандалари гуноҳ ишга қўл урмай туриб дўзахни ўз қудрати ила барпо этган эди. Агар одам худони яратган бўлса, у ҳолда худо энди кераксиз бўлиб қолади, яъни у ўз миссиясини бажаради. Худонинг борлигини исботлаш ниятида ёзувчи ўз қаҳрамонини ўлдиради. Демак, худонинг борлигига ишонишни истасак, биз ҳеч қачон покликка томон интилмаслигимиз керак. Киши қанчалар ваҳшийлашса, Тангрининг мавжудлигига шунча кучлироқ ишонади.



***

Биздан кўпинча дўстларимиз «Сиз худога ишонасизми ёки йўқми?» деб сўрашади. Сўзсиз уларга «ҳа», деб жавоб берамиз, бироқ шу сўз билан дўстимизни, ўзимизни ҳамда худони алдаймиз, чунки осмоннинг қаеридадир Оллоҳнинг мавжудлиги тўғрисидаги тасаввур билан ҳеч қачон келиша олмаганмиз. Йўқ, бизни тўғри тушунинг, биз худога ишонишни хоҳлаймиз, истагимизнинг чексизлиги парвардигорнинг қиёфасидек беқиёс, таърифга сиғмас, бироқ барибир ишонолмаймиз — руҳ, қалб истайди, аммо идрок йўл қўймайди. Бироқ айб бизда эмас.

Балки бизга фақат қўрқувнинг ўзи кифоядир, лекин қани ўша ваъда қилинган «ҚЎРҚУВ.» У энди кишининг кўзига ажал кўринган чоғдагина даҳшатга соладиган бўлиб қолди. Ҳаром топилган нон бўғзига тиқилганда бу ҳис ҳеч қандай туйғуни таъсирлантирмай қўйди. Диндан айрилиб биз худди ҳозирнигина ўйлайдиган, дунёга тўйиб ейиш учун келгач чўчқадек жирканч ҳайвонга айланиб қолдик.

Ҳа, эътиқодсиз яшаш мумкин, унда ҳаётимиз ҳайвонларникидек озод, бевош ва бемаъни кўринишга киради. Эътиқод сўнгги мақсад. Бугун бу мақсад бўлакларга бўлиниб кетди. Кимдир шон шуҳрат, кимдир мол-дунё, кимдир ҳукмронлик ва яна кимдир худо томон интилмоқда. Ва уларнинг ҳар бири ўз идеалини энг покиза ва гўзал деб тушунади.

Биз эса эътиқодсиз кимсалармиз. Биз учун ҳаёт ҳам, ўлим ҳам бирдек аҳамиятсиз. Биз нурни ҳис қилмаймиз, шунингдек, зулмат ҳам бизга бетаъсир. Худога ишонмоқчи эдик аммо эплолмадик. Бунда ўзимизни айбдор, деб ҳисобламаймиз. Биз яшаётган муҳитнинг ўзини имонсизликнинг бадбўй ҳавоси заҳарлаган, ундан ҳаво олмай иложимиз йўқ, ҳаётдан ташқарига чиқиш мумкин эмас. Балки аслида бу муҳитда «комил инсон» бўлиш ҳақида орзулар суришнинг ўзи бемаъниликдир, бунда ҳаёт бизни ўз ноғорасига ўйнашга мажбур қилар. Балки биз охират болаларидирмиз. Лекин шуниси аниқки, биз якка шахс эмас, бутун бир оммамиз. Сўзларимиз биз каби йўлини йўқотган омманинг дилидан ўғирланган. Бу оломон ҳаёт ўрмонида мақсадсиз дайдиб юрибди, у қўрқув нималигини билмайди, қотиллик унга яшаш учун кураш йўлида енгиб ўтиши зарур бўлган тўсиқни йўқотишдек маъно касб этади. «Атрофингдагиларни алда, ўлдир, тала, йўқса сени шу кўйга соладилар». Мана бизнинг ҳаётий фалсафамиз нимадан иборат. Тўғри, инсоний муносабатларга бундай муносабатда бўлиш хато, кечириб бўлмас гуноҳ. Бироқ ҳатто гуноҳ сўзининг ўзи биз учун кулгули туюлади. Ва яна шуни ҳам аниқ биламизки, бу тарзда ортиқ яшаш мумкин эмас.

БИЗ ТИЛАНЧИДЕК тиз чўкиб сиздан ёрдам сўрамоқчи, бу билан ўзимизнинг ожизлигимизни ошкор қилмоқчи эмасмиз. Фақат орангизда биргина эътиқодли шахс бўлса, биз ва орқамиздан эргашиб келаётган бутун бир авлодни карахтлик ва имонсизликнинг боши берк кўчаларидан чиқиб олишга йўл кўрсатса кифоя. Тушунамиз, биз билан сиз бошқа-бошқа кишилармиз, лекин Исо пайғамбарнинг қуйидаги сўзларига ҳеч бўлмаганда сиз амал қилинг:

«Одамлар бир-бирингизни севинг, ғанимларингизни кечиринг».

Бобур ТЎХТАБОЕВ,
ТошДД талабаси.

«ЖИЛҒА» таҳрир ҳайъати: Равшан **АЛИМОВ**, Қўчқор **НОРҚОБИЛ**, **ЖАҲОНГИР**, Анвар **ЭМИН**.

Дўстлик кўприклари

Улуғбек Сиэтлда

Тошкентлик 10 синф ўқувчиси Улуғбек Суюнов Америкага ўқиш учун жўнаб кетди. У энди Нордвестскулдаги хусусий мактаб педагоглари таклифига биноан йил бўйи Сиэтлда бўлади...

Бу шаҳар аввал ҳам Улуғбекни ўз мактабдошлари билан бирга дўстона қаршилаган эди. Тошкент ва Сиэтл шаҳарлари сингари бу иккала мактаб жамоалари ҳам ўзаро биродарлашиб, бир неча йилдан бери ҳамкорлик қилиб келяпти. Бир-бирлари ҳузурига ҳар йили ташриф буюришади.

Ўтган галги сафарларнинг бирида Улуғбек ҳам танлаб олинган рўйхатга тушиб қолди. 15 нафар тошкентлик мактаб ўқувчилари ўшанда бир ой америкаликлар хонадонида яшадилар. Улуғбекнинг эса омади чопиб, байналмилал оилалардан бири Стивенсларникида яшади. Оила бошлиғи — америкалик, мутахассислиги шифокор, оила соҳибаси эса малайзиялик. Уй бекаси, теннис билан шуғулланади. Уларнинг 13 ёшли ўғли Брайс айниқса Улуғбекни жуда ёқтириб қолди.

— Биз иккимиз ҳам мусиқани жону-дилимиздан севганимиз учунми, доимо шу мавзуда баҳслашардик, — дейди Улуғбек.

— Брайс жуда талантли, барча мусиқа асбобларини чалиб кетаверади. Шунингдек, иккимизни спорт яқинлаштириб қўйди, десам ҳам янглишмайман. Мен корейс кураши билан мунтазам шуғулланаман. Брайсга бу жуда ёқди. Чунки америкаликлар спортни ниҳоятда қадрлайдилар.

Улуғбекни ўзи яшаган оиладаги самимийлик, меҳмондўстлик ҳайратга солди. У бутун америкаликларни жуда яхши кўриб қолди. Ўзининг дил сўзларини Сиэтлдаги ёшларнинг севимли рўзномасига берган биринчи интервьюсида баён қилганди. Шу рўзнома ўзининг бир сонини тўла Улуғбекка бағишлади. Оила соҳиблари ҳам бағри кенг, кўнгли очиқ одамлар эди. Брайснинг отаси тошкентлик бола ҳақида жажжигина фильм ҳам суратга олди. Экранда Улуғбек америкаликлар ҳаётидан олган таассуротларини сўзлаб беради. Ер юзида яшаётган одамларнинг дўстлашуви ҳар қандай ёвуз ва ёмон ниятли кучлар устидан ғалаба қозонажагини айтди. Ниятлар бир бўлса, ҳар қандай кескинликни ҳам енгиш мумкин. Дунёнинг ҳамма еридан Нордвестскулга ташриф буюраётган болаларнинг тилаги шу.


Америка мактаблари бизникидан анча фарқ қилади. 12 синфгача, ўқув йили беш чоракдан иборат. Ҳар чорак охирида имтиҳонлар топширилади. Математика, АҚШ тарихи, жисмоний тарбия асосий фанлар ҳисобланади. Бир қанча фанлар танлов асосида ўқитилади. Чунки ўқувчилар келгусида эгаллайдиган ихтисосликларини шунга қараб белгилаб олишади. Дарс соатлари жуфтлик, ҳар икки соатда 40 дақиқа танаффус берилади. Дам олиш вақтида улар нонушта қилиб оладилар.

— Янги дўстлар билан танишувимиз мактабда, кўчаларда, дам олиш дамларида давом этди, — дея ҳикоя қилади мактаб директори Л. Алиева. — Айниқса америкалик ва ўзбекистонлик мактаб ўқувчиларининг биргаликда ўтказган турли хил учрашувлари, концертлари, карнаваллари катта таассурот қолдирди. Улуғбекни айтмайсизми, бир ўзи ҳам ўйнайди, ҳам қўшиқ айтади, Бошловчиликни ҳам қойиллатди азамат. Берилган саволларга тутилмасдан, мулоҳаза юритиб жавоб берди. Ўйлайманки, мезбонлар ҳам адашмай, Ташриф қоғозини Улуғбекка улашиб хато қилишмади.

Улуғбек учун ҳам бу галги сафар осон кечмайди. Чунки у бир ўқув йили мобайнида ҳам 11, ҳам 12 синф ҳажмидаги билимларни пухта ўзлаштириши керак. Талаблар қатъий. Шундан сўнггина Нордвестскулни битирганлиги ҳақидаги гувоҳнома берилади. Яна шуниси ҳам борки, у Сиэтлдан қайтиши биланоқ ўзи ўқиган мактабда битириш имтиҳонларини ҳам топшириши керак. Шул боис, у ўзи билан бирга 10 синф дарсликларини ҳам Сиэтлга олиб кетди.

Ҳозир Ўзбекистон мактабларида каникул бўлганлиги учун Улуғбек Суюнов Америкага учиб кетди. Сентябргача у билан бирга Нордвестскулга таклиф этилган ўқувчилар тил ўрганиш бўйича махсус курсда таҳсил кўрадилар.

Л. СТРУННИКОВА,
ТАСС мухбири.



Кўнгилларни шод этиб

Мавлуда Қулмуродова ҳақида сўз юритишдан олдин у кишининг шаънларига айтилган дил сўзларидан баъзилари билан сизларни таништиришни лозим топдик.

«Мен Навоийданман. Қизимнинг оёқ-қўли ишламасди. Мавлуда опасига уч марта келиб кўрсатдик. Ҳозир яхши. Юряпти. Унга миннатдорчилигим чексиздир.

Ҳурмат ила ТОШЕВА».

«Икки йил мобайнида юрагим санчиб, бошим оғриб нафас олишим қийинлашарди. Мавлуда икки марта кўргандан кейин, нафас олишим яхши бўлди, бош оғриғи қолди. Яна бунинг устига бошимдан соч чиқа бошлади. Унга чин юрагимдан миннатдорчилик билдираман.

Марҳабо ЖАББОРОВА,
Самарқанд вилояти Карл Маркс номли жамоа хўжалиги, 19-бригада».

* * *

Миннатдорчилик дастхатлари. Бундай дил сўзларини яна кўплаб давом эттириш мумкин. Хўш Мавлуда Қулмуродованинг ўзи ким?

Донолар айтишади: Инсон икки нарса туфайли қаримайди, бири яхши феъл. Иккинчиси эса эзгу сўз. Оддий қиммат эмас, одамгарчилик қиммат.

Мавлуда Қулмуродова ана шу одамгарчилик, инсонларга ҳамиша яхшилик қилиш йўлини танлади. Шунинг учун бўлса керак, оддий колхозчи хонадонида камол топган қиз тез орада фақат қишлоқлари атрофида эмас балки Самарқанд вилояти, ҳатто Тошкент шаҳрида ҳам ўз мухлисларини топди.

Ўзингиз ўйланг, бир неча йил мобайнида шифокорга қатнаб ҳеч қандай шифо топмаган беморнинг нафас қисиши бирдан йўқолса, юра олмай турган қўл-оёғи ҳаракатга келса, ақрабд оғриб турган боши оғришдан тўхтаса бундан ҳайратланмай бўладими?

Мавлуда Қулмуродованинг таржимаи ҳоли ҳақида икки оғиз сўз. Йигирма йил олдин дунёга келган Мавлуда Ўринбой ака ва Санобар опанинг тўққизинчи фарзандларидир. Олти қиз, уч ўғилга эга бўлган ота-она фарзандларининг ҳаммаларини ўқитди. Мавлуда ўнинчи синфни яхши баҳолар билан тугатиб Навоийдаги тиббиёт билим юртига ўқишга кирмоқчи бўлди. Имтиҳонлардан ўта олмади. Келаси йили ҳам Самарқанддаги тиббиёт билим юртига ҳаракат қилди. Бу сафар ҳам омад кулиб боқмади. Шундан сўнг ўзларидаги касалхонада ишлай бошлади.

Бундан икки йил муқаддам 6 апрель куни Мавлуда ўзида қандайдир ўзгариш пайдо бўлганлигини айтди.

— Олдинига уйдагилар чироқ ёқишса худди олов тепамда ёниб тургандек ҳис этдим ўзимни, — деб ҳикоя қилади у. — Илтимос чироқни ўчиринглар деб ёлворардим. Шундан кейин уйдагилар ҳайрон бўлишиб тезда чироқни ўчиришар эди.

Эрта билан ишга отландим, олдин, дазмолни электр токига тиқдим. Шундан кейин а не кўз билан кўрайки дазмол тагидан олов чиқиб кетди. Келинойим токка улаганида олов чиқмади, ишлай бошлади. Шунда ўзимда биотоқ ҳосил бўлганлигига ишондим. Келинойимни, акамни ва уларнинг оёғини ерга босолмайдиган қизларини даволадим, юриб кетди. Шундан кейин қишлоғимиздан ва ён атрофимиздан келса деярли ҳаммасини даволаб, кўнгилларини шод этдим.

— Бирон ерда ўқидингизми? — деб берган саволимизга Мавлуда Қулмуродова шундай деди:

— Шу йил февраль ойида Тошкентга келиб Абу Али ибн Сино номли илмий методик марказида ўқидим ва СССР экстрасенслар ассоциациянинг аъзоси бўлиб гувоҳнома олдим.

Ҳа, инсонлар дардига шерик бўлиб, уларга шифо ато этишдек бахт ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Биз Самарқанд вилоятининг Пахтачи ноҳиясидаги Киров номли жамоа хўжалигида яшовчи Мавлуда Қулмуродованинг эзгу ниятларига тилакдошмиз.

Раҳматулла ФАЙЗУЛЛАЕВ.

ХАЛФАЧИЛИК— ҚАДИМИЙ САНЪАТ

У — халфа, яъни қадимий қўшиқлар ижрочиси. У қўшиқларни халқ тилида маромига етказиб айтади. Бирам оҳангли янграйди! Унинг равон, ўйноқи, шиддаткор сўзлари тингловчини дарров ўзига жалб қилади. Айтувчининг қудрати ҳам шунда.

Бизда азалдан эъзозланиб келаётган бу санъат негадир бир неча йиллардирки, унутилганди. Сафаргул опа Рўзметова эса шу йўлда фидойилардан бўлиб чиқди. Давраларда ёш Сафаргулнинг қўшиқларини ҳамма жим тингларди. Ўнинчини тамомлагач эса Хонқага келин бўлиб тушди. Уй-рўзғор ташвиши, шунинг билан бирга ўзбекчилик дастури, янги келинлик ва эл-элатдан истиҳола қилиш дегандай... У дастлаб янги жойда ийманди ҳам. Тўғрида танимаган одамлар орасида куйлашнинг ўзи бўладими! Барибир бўлмади...

Турмуш ўртоғидан агар рухсат берса Онабиби халфага шогирдликка тушишини айтди. Карим ака унинг бу истагига монелик қилмади.

Орадан кўп ўтмасданоқ, у қизи Иродахон билан халқ орасида, давраларда қўшиқ айта бошлади. Унинг дилбар овози, гўзал қўшиғини, халқ илиқ кутиб олди. Дилга ором бахш этувчи халқ достонлари, термалари одамларга олам-олам завқ бағишлади.

1985 йилда улар Шовот ноҳиясида ўтказилган бахши—шоирларининг жумҳурият кўрик—конкурсида «Тоҳир ва Зуҳра» халқ достонидан «Орзу айлаб» ашуласини куйлаб 1-даражали «Диплом» билан тақдирланишди. 1987 йилда эса вилоятда ўтказилган оилавий ансамбллар ижросидаги конкурсда биринчиликни олиб «Фахрий ёрлиқ» ва қимматбаҳо совға билан мукофотландилар.

Эндиликда Сафаргул халфани нафақат Хонқада балки вилоятда ҳам хушовоз хонанда сифатида ҳурмат қилишади. Қизи Иродахон, ўғли Тўлқинжон ва шогирдлари Лида ва Бекпошшалар ҳамиша унинг ёнида.

Сафаргул опанинг асли касби ҳамширалик. У жисмонан толиққан кезлари руҳий ҳордиқ олади. Яъни жўшиб-жўшиб куйлайди.

Ш. ЭШЖОНОВА,
Хоразм вилояти.



Саволлар беринг!

Балиқ ёруғида ўқишадими?

Эшитишимча, айрим мамлакатларда шаъм ўрнига балиқ ёқишар экан. Шу ростми?

Зарифа БОЙМУРОД қизи.
Тошкент.

Ҳа, Канаданинг ғарбий қирғоқларида яшовчи ҳиндулар қадим замонлардан бери ёритиш воситасида балиқдан фойдаланишади. Балиқнинг шундай бир ёғлиқ тури борки, уни қуритиб ёққанда ҳар қандай шаъмдан кўра яхши ёритади. Бу усулдан ер юзининг бошқа жойларидаги айрим халқлар ҳам фойдаланишади.

Комиссар Каттани мамлакатимиздами?

«Спрут» фильмининг бош қаҳрамони комиссар Каттани бизда суратга тушаётган эмиш, деб эшитдим. Ҳозир у қаерда ва қайси кинода роль ўйнаяпти?

Х. АЛИМУҲАМЕДОВ.
Самарқанд.

Италиялик машҳур киноактёр Микеле Плачидо ҳақиқатан ҳам бизнинг мамлакатимизга келиб суратга тушмоқда. Уни «Ленфильм» таклиф қилган. Плачидо ҳозир Душанбеда. У «Афғон дарди» деб номланган Совет — Италия фильмида десантчи майор Бандура ролини ўйнамоқда

Машинада чет элга

Автомобилда саёҳат қилишни жуда яхши кўраман. Иттифоқимиздаги кўплаб шаҳарларга машинамда борганман. Айтинг-чи, чет элга ҳам машинада бориш мумкинми? Кўплаб чет элликлар бизга ўз машиналарида келишади-ку?

Тоҳир ИСЛОМОВ
Тошкент.

Чет элга автосаёҳат қилиш ҳақида барча ҳужжатлар яшаш жойидаги Давлат автомобиль инспекциясида расмийлаштирилади. Бунинг учун сизда чет элга кетаётганлигингизни тасдиқловчи чет эл паспорти ёки унинг ўрнини босадиган ҳужжат бўлиши керак. ОВИРдан эса ҳеч қандай ҳужжат керак эмас.

ДАИ сизга халқаро йўлда ҳаракат қилиш учун транспорт воситангиз рўйхатдан ўтганлигини тасдиқловчи гувоҳнома беради. Мабодо сиз жуда узоқ мамлакатларга бормайдиган бўлсангиз, машинанинг лотин ҳарфларида ёзилган техпаспортининг ўзи кифоя қилади.

Сиз ўзингиз билан соғлигингиз ҳақидаги справкани, автомобилингиз техник кўрикдан ўтганлиги ҳақидаги актни, мабодо машина ўзингизга тегишли бўлмаса нотариус тасдиқлаган ишонч қоғозини ва албатта ҳайдовчилик гувоҳномангизни олишни унутмасангиз бўлди.

Ҳашаротхўр ўсимликлар борми?

Ер юзида ҳашаротхўр ўсимликларнинг 450 га яқин тури бор. Улар ҳашаротсиз ҳам нормал ҳаёт кечиравередилар, лекин ҳашарот билан озиқланганда уларнинг ривожланишлари яхши бўлади. Ҳашаротхўр ўсимликлар асосан азот моддаси кам бўлган ботқоқликларда, сувларда ўсади. Бу ўсимликларнинг айримлари ҳашаротларни «тузоғи»га илинтирса, айримлари танасидаги ёпишқоқ шира ёрдамида тутади.

Жумҳуриятимизда учрайдиган оддий пўрсилдоқ ўсимлигининг бўйи 20—30 сантиметр бўлиб, у кўп йилликдир. У одатда кўлларда, секин оқадиган сувларда, ботқоқликларда учрайди. Унинг илдизи бўлмайди ва сув юзида сузиб юради. Баргидаги пуфакчаларда тешикчалар бўлиб, унга ҳашарот кирганда қопқоғи ёпилиб қолади. Орадан маълум вақт ўтгач, барг ўзидан фермент чиқариб, ҳашаротни эритади ва уни хужайралари орқали сўриб ҳазм қилади. Жумҳуриятимизда оддий пўрсилдоқдан ташқари кичкина пўрсилдоқ ва пуфакчали алдрованда каби ҳашаротхўр ўсимликлар бор. Улар Тошкент, Андижон, Наманган Сурхондарё Бухоро, Қашқадарё, Хоразм вилоятларида учрайди.

Муҳаррир Жаббор РАЗЗОҚОВ.

Бир хат изидан

Жиноят ва адолат

ЁКИ СОБИҚ РАИСНИНГ БОШИГА ТУШГАН КУЛФАТЛАР ХУСУСИДА

Ўн йил қамоқ жазосига ҳукм қилиниб, салкам уч йилдаёқ озодликка чиққан одам шунисига ҳам шукур қилиб яшайвериши мумкин эди. Аммо Асрор Эргашев бундай қилмади. 1986 йил сентябрида Жиззах вилоят суди (раислик қилувчи Ш. Раҳмонов) томонидан чиқарилган ҳукмда Асрор Эргашев жуда катта миқдордаги давлат маблағини ўғирлашда, кўзбўямачиликда, шон-шуҳрат кетидан қувиб, янада юқорироқ мансабга эришиш учун сохта ҳужжатлар тайёрлашда, пора беришда айбланади.

Эргашев эса бу айблашдан норози.

Хўш, Асрор Эргашев ким эди? Нега уни ўн йил муддатга қамашди?

Жиззах ноҳиясида машҳур «Москва» жамоа хўжалиги бор. Асрор Эргашев узоқ йиллар давомида шу хўжаликда бош иқтисодчи ва фирқа қўмитаси котиби бўлиб ишлади. Икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳамроқул Носиров вафот этганидан кейин эса колхозчилар Асрор Эргашевни раис қилиб сайладилар. Бу воқеа 1978 йилда бўлган эди. 1985 йил февралда уни қамоққа олдилар.

Бу пайтда Асрор Эргашев «Москва» жамоа хўжалигининг раиси, айни пайтда шу хўжалик Ҳ. Носиров номли, «Зарафшон» ва «Ленинград» давлат хўжаликларини ўз ичига олган агросаноат бирлашмасининг бош директори вазифасида ишлар эди. Суд ҳукмида 1983 йилда бирлашма бўйича 2758,5 тонна шу жумладан, «Москва» жамоа хўжалигида 2053,6 тонна пахта қўшиб ёзилгани ва бу ишда Асрор Эргашев асосий айбдор экани таъкидланди.

Ваҳимали рақамлар! Уларни ўқиган, эшитган кишида Асрор Эргашевга нисбатан нафрат қўзғалади. **«Ёш ленинчи» редакциясига 31 нафар байналмилал жангчи имзоси билан келган хатда эса собиқ жамоа хўжалиги раисига берилган жазо ноҳақ дейилади. Мана ўша хатнинг сўнгги сатрлари:** «Биз байналмилал жангчилар собиқ раисимиз Асрор Эргашевнинг оқланишини, партияга тикланишини сўраймиз. Чунки у ноҳақ қамалган. КПСС сафидан ноҳақ чиқарилган, унда айб йўқ».

Яқинда жумҳуриятимиз президенти номига яна бир хат йўлланибди. Бу хатга Жиззах ноҳиясида яшовчи таниқли кишилардан ўн нафари имзо чеккан. Улар орасида Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Умри Орифжонова, СССР халқ депутатлари Парда Зиётов ва Мели Қобиловлар ҳам бор.

«Асрор Эргашев қўшиб ёзишга раҳбарлик қилган эмас, — дейилади хатда, — у ҳеч кимдан пора олмаган, ҳеч кимга пора бермаган. Қўшиб ёзишдан шахсан манфаатдор бўлмаган. Ўзи раҳбарлик лавозимларида ишлаб туриб, фарзандлари учун уй қурмаган, уй қуриш учун ер ҳам, енгил автомашина ҳам олмаган. Биз Асрор Эргашевни ҳалол одам деб биламиз ва унинг оқланишига ёрдам беришингизни сўраймиз».

Кўриниб турибдики, юқоридаги хатлар, умуман, «Москва» жамоа хўжалик аъзоларининг фикрлари тергов ва судлов материаллари ҳамда хулосаларига мутлақо тескари. Хўш, маъмурий органлар ҳақми ёки кенг жамоатчилик?

Аввало тергов бирёқлама, қийноқ усуллари билан олиб борилганини таъкидлаш жоиздир. Очиғини айтганда ўша йилларда бундай усул оддий нарсага айланиб қолганди. Бу усул кўплаб одамларнинг ўзлари қилмаган жиноятни «қилдим» деб, ноилож тан олишларига, кўплаб «маҳбус»ларнинг оғир касаллик орттиришларига олиб келди.

— Бир неча ойлар давомида ҳақ гапни айтиб туравердим, — деб оғир хўрсинади Асрор Эргашев, — лекин қулоқ солишмади, қийнашди. Касалим эса оғирлашди. Шундан кейин менда нима қилиб бўлса ҳам ўлмай қолиш истаги туғилди.

Энди тергов ва судлов материалларини бир четга қўйиб, мантиқий хулосалар чиқарайлик. «Москва» жамоа хўжалиги 1983 йил якуни учун жумҳурият Қизил байроғини олди. Ҳақиқатда эса жамоа хўжалиги пахта тайёрлаш режасини бажармаган эди. Раис буни яхши биларди. Шунинг учун у байроқни қабул қилиб олишдан ҳам, шу байроқ билан берилган ўн минг сўм пулни жамоа хўжалик ҳисобига ўтказишдан ҳам бош тортди. Фақат шугина эмас, 1984 йил эрта баҳорида бўлиб ўтган жамоа хўжалик ҳисобот-сайлов йиғилишида хўжалик пахта тайёрлаш режасини расмий ҳужжатларда 101,4 фоиз бажарилганини, аслида эса саксон фоиз атрофида қолиб кетганини, йўқ пахтани қўшиб ёзиш хўжалик томонида эмас, балки райком биринчи котиби М. Мелиевнинг топшириғи билан ноҳия статистика бошқармаси томонидан амалга оширилганини рўй-рост айтиб, бутун колхозчиларни хабардор қилди.

Ўзингиз хулоса чиқаринг: агар раис қўшиб ёзишнинг ташкилотчиси, лоақал, тарафдори бўлса, хўжалик режасини бажарилмаганини, байроқ қонунсиз берилганини бутун халқ олдида дангал айтармиди?

Яна бир ҳолат. 1983 йил декабридан 1984 йил мартигача Асрор Эргашев касалхонада ётади. Шу муддат ичида райком котиби Мелиев бир неча марта уни «кўргани» боради ва ҳар сафар «ўша пахтанинг ҳужжатларини тўғрилаб, тасдиқлаб беринг» деб талаб қилади. Эргашевдан рад жавоби олгач, у обкомнинг биринчи котиби Шоғазатов билан бирга касалхонага келишади ва икковлашиб раисни кўндирмоқчи бўлишади. Эргашев шунда ҳам розилик бермайди.

Ўша йилларда райком ёки обком котибининг раъйини қайтариш фожиа эди. Бундай «бўйни йўғон» кишидан ўч олиш зудлик билан амалга ошириларди. Шунинг учун Асрор Эргашев ҳам охири эгилди. 1983 йилда қўшиб ёзилган пахта учун тайёрланган наряд ва ведомостларга 1984 йил мартида қўл қўйди. Бу жиноят эканини биларди. Аммо бошқа иложи қолмади. Вазият шундай эдики, агар раис осмонга учса оёғидан, ерга кирса қулоғидан тортишарди. Қочиб қутилишнинг иложи топилмади.

Асрор Эргашев 1988 йил январида қамоқдан чиққач, «Москва» жамоа хўжалигининг йирик ва оғир участкасини унга топширишди. Биринчи йил 5159 тонна пахта тайёрланиб, режа 127 фоиз бажарилди. 1989 йилда ҳам топшириқ ортиғи билан уддаланди. Ҳолбуки, унгача участка уч йил сурункасига режани бажармаган эди.

Суд ҳукмида Асрор Эргашев пахтани қўшиб ёзишда ташкилотчилик қилишда, пора беришда айбланади. Бу айблов собиқ раисга зўрлаб қўйилганга ўхшайди. Биз хўжаликда кўп одамлар билан учрашдик. Асрор Эргашевнинг бировга пора берганига ёки ўзи бировдан пора олганига бирор киши ишонмайди. Ҳамма уни ҳалол, халқ манфаати йўлида жон куйдирадиган киши, меҳрибон раҳбар дейди. Кишида шубҳа туғилиши табиий:

— У ҳолда нега раисингизни қамашди?

Бу саволга кўпчилик шундай жавоб берди:

— Асрор Эргашев кўзбўямачилар, порахўрларга бўйин эгмади, уларга қарши чиқди. Оқибатда ўша даврнинг қурбони бўлди.

Яна бир мулоҳазани ҳам билдиришди. «Москва» жамоа хўжалигига узоқ йиллар давомида Шароф Рашидовнинг тоғаси марҳум Ҳамроқул Носиров раислик қилган. Асрор Эргашев. — Ҳ. Носировнинг шогирди. 1984 — 1985 йилларда фақат Рашидовга эмас, балки унга яқин, деб ҳисобланган кишиларга ҳам кўп тош отилди. Шу тошлардан бири Эргашевга ҳам тегиб, қаттиқ зарба берди, дейиш мумкин.

Жиззах вилоят судининг ходими Раҳмонов бу гапларни билмасмиди? Яхши биларди. У Эргашевни оқлаши, лоақал жазони енгиллаштириши мумкин эди. Қўлимизда турган бир мақола ҳам бизни ўйлантириб турибди. Бу мақола «Пахта иши»нинг таҳлили нималарни кўрсатди?» деб номланади. «Сирдарё ҳақиқати» вилоят рўзномасининг 1989 йил 5 октябрь сонида босилган ушбу мақоланинг муаллифи — вилоят прокурори А. Сухарев. У шундай мисолни келтиради: «Октябрь ноҳиясидаги С. Раҳимов номли давлат хўжалик директори Д. Маллаев 1537,5 тонна пахтани қўшиб ёзишда ва бу жиноятни яшириш мақсадида қаллоблик қилишда айбланади ва унга тўрт йил қамоқ жазоси берилади. Ноиложликдан пахтани «қўшиб ёзган» Эргашев эса ўн йил муддатга озодликдан маҳрум этилади. Шундай экан, Ҳаким Раҳмоновни адолат юзасидан иш кўрди дейиш мумкинми? Афсуски, вилоят судининг ҳукмини ўз вақтида жумҳурият Олий суди ҳам тасдиқлаган.

Кўплаб одамлар сингари Асрор Эргашев ҳам «пахта иши»нинг қурбони бўлди. Хайрият, одамларнинг тинчлигини, ҳатто уйини бузган ўша йиллардаги бўронлар тина бошлади. «Пахта иши» бўйича жумҳурият комиссияси ишлаб турибди. Асрор Эргашев иши ҳам шу комиссия эътиборидан четда қолмайди, деб умид қиламиз.

Самиғжон СУЛТОНОВ,
«Ёш ленинчи» махсус мухбири.

ТВ

4 АВГУСТ— ШАНБА

● ЎзТВ 1

9.00 «Ассалому алайкум» Мусиқий кўрсатув. 10.00 «Одобнома» (такрор). 10.1[illegible] «Ҳовлимиздаги стадион». 10.40 Болалар учун театр «Митти фаришта». Жиззах вилояти қўғирчоқ театрининг спектакли. 11.25 «Ҳужжатли экран». Кинокўрсатув. 12.25 «Мусиқий оилалар». Ака-ука Қодировлар ва Назаровлар. 13.05 «Деҳқон юмушлари». 13.35 «Кема уч соат туради». Бадиий фильм («Мосфилм»).

Тижорат кўрсатувлари

14.50 «Менинг касбим — менинг фахрим». Ўрта Осиё темир йўлининг Фарғона тармоғи ҳақида. 15.30 «Ишнинг кўзини билиб...». Йўлларнинг мелиоратив ҳолати ҳақида. 16.00 «Элга хизмат — олий ҳиммат». Чуст ноҳияси матлуботчилари иш тажрибасидан.

* * *

18.00 Кўрсатувлар тартиби.

Қувноқ ўтсин таътиллар.

18.05 «Бувижон, ўргатинг». Мультфильм. 18.15 Ўсмирлар учун. «Тенгдошлар». 19.00 «Ўзбек тилини ўрганамиз». 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 «Эстрада шинавандалари учун». Одилжон Каримов куйлайди. 20.15 «Оқшом эртаклари». 20.30 Москва. «Вақт». 21.00 «Амалий давра суҳбати». 22.00 «Ҳафтанома». 22.40 «Дўстлар даврасида». Ўзбекистон ва Тожикистон ёш ижрочиларининг концерти. 00.10 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● МТ 1

6.00 «120 минут». 8.05 «Онам, дадам ва мен». Бола икки ёшга тўлганда. 8.35 Болалар учун фильм. «Палатка» (Чехословакия). 9.30 «Партер». Тижорат хабарномаси. 10.00 «СССР — АҚШ: хотин-қизлар ва сиёсат». Телекўприк. 11.00 «Ноғай жилолари». Грозныйдан кўрсатилади. 11.25 «Бурда моден» таклиф этади... 11.55 «Менинг Чайковскийим». СССР халқ артисти Ю. Темирканов билан учрашув. 12.55 «Ер — она масканимиз». Фотоконкурс. 13.00 Сиёсий мулоқотлар. «Галерия». 13.30 Яхши ният ўйинлари. Фигурали учиш. АҚШдан кўрсатилади. 15.45 «Инсон институти». «Ўсмирлик. Ёшлик». 16.45 Буркина-Фасо миллий байрами — Инқилоб кунига. «Муносиб инсонлар мамлакати». 17.15 Ҳужжатли фильм. 17.30 «Халқаро панорама». 18.15 Томошабинларнинг талабларига биноан. «Шерлок Холмс ва доктор Ватсоннинг саргузаштлари». Телевизион бадиий фильм. 1-серия — «Қўрқитиш қироли». 2-серия — «Ўта хавфли олишув» («Ленфильм»). 20.30 «Вақт». 21.00 Долзарб интервью. 21.10 «Шерлок Холмс ва доктор Ватсоннинг саргузаштлари». Телевизион бадиий фильм. 3-серия — «Шер ови». 22.15 «Осуда тундаги ўйлар». 22.30 «ТСН».

«Ёш ленинчи»
«Молодой ленинец» орган ЦК ЛКСМ Узбекистана
Издается на узбекском языке.
МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ.
ТЕЛЕФОНЛАР: ҚАБУЛХОНА — 32-56-58 ХАТЛАР БЎЛИМИ — 32-54-65.
513500 НУСХАДА ЧОП ЭТИЛАДИ.
ИНДЕКС: 64607.
Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.
[illegible] 6 7 8 9 10 11 12
Д. — 23514.